Яратганнинг ўзи ато этган яна бир бебаҳо бойлигимиз борки, у ҳам бўлса, халқимизнинг беқиёс интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
3-mart
chorshanba
№ 9 (1225)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

НУҚТАИ НАЗАР

МИЛЛИЙ ҒОЯ — тараққиётнинг куч-қудрати

Инсон ва жамият, шахс ва миллат ғояси, қарашлари ҳамма вақт макон ва замонда бирдай бўлмаслиги мумкин. Аммо шундай омил борки, ҳар қандай тирик зот, хоҳ алоҳида, хоҳ биргаликда бўлсин ўз ғоясига эришиш учун албатта талпинади, интилади, хоҳлайди ва уни сақлаб қолиш йўлида ҳаракат қилади, курашади, бу борада матонат ва шижоат, мардлик ва метиндек ирода мўъжизаларини намоён қилади ҳам. Айни пайтда уни ривожлантириб туриши билан яшовчанлик хусусиятига эга бўлади.

Миллий ғоядан фойдаланиш ва уни тарғиб этишнинг яна бир муҳим жиҳати таълим-тарбиянинг узвий бирликда олиб борилишидир. Яқинда муҳтарам Президентимиз бу жараёнларда илғор технологиялардан фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини қўллаш, одоб-ахлоққа оид машғулотлар тизимини яратиш ҳамда таълим муассасаларида мавжуд бўлган “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Маънавият асослари”, “Миллий ғоя” “Динлар тарихи” сингари предметларни бирлаштириб, “Тарбия” фанини ташкил этишни тавсия қилди. Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат мустаҳкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади. Шу мақсадда Миллий ғоя концепцияси ўзига хос бугунги тезкор барча соҳалар ва жабҳаларнинг талаб даражасида ривожланишини таъминлашда стратегик дастурга айланиши айни муддаодир.

Миллий тараққиёт моҳияти миллий ғоя демакдир

Миллий ғоя тараққиётида асрлар мобайнида дунёқараш ва тушунчалар, турмуш тарзи ва анъаналар ҳамда миллатнинг шаклланиш жараёнлари, босқичлари, хусусан, эволюцияси инобатга олинмоғи зарур. Ривожланиш босқичлари эса инсон тафаккури динамикасини ўзида мужассам этди. Бу икки унсур жамиятнинг янгиланиш жараёнида ўзаро боғлиқ, уйғун ҳолда вужудга келади. Акс ҳолда ғоя заминдан узилган, ҳаёт ҳақиқатини ўзида ифода этолмаган “муаллақ” ҳолда қолаверади.

Миллий ғоя ҳеч қачон мантиқан тарқоқ ва узук-юлуқ бўлмаслиги лозим. У жамият тараққиётини тўлалигича қамраб олган узлуксиз, тадрижий, ўзини ўзи тўлдириб борадиган, доимий изчил ҳаракатдаги тизимга айланиши даркор эди. Жамият янгиланаётган, онгимиз ва тафаккуримиз ўзгараётган бир пайтда миллий тараққиёт омили бўлиб хизмат қилиши учун эски мафкуравий андазалардан воз кечиб, янги ижтимоий жараёнларнинг бутун моҳиятини ифодалаб берадиган янги ғоявий мафкурани вужудга келтирдик. У бутунлай янги Ўзбекистон даврининг, тикланган руҳият ҳамда уйғонаётган инсон ҳиссиёти ва янгича тафаккурнинг маҳсули сифатида дунёга кела бошлади. Миллий ғоямиз ана шундай олий қадриятга айланаётган ҳодисадир. У янгича тарихий шароитда янги давр руҳини ўзида ифода этган ғоявий куч-қудратдир. Фақат ана шу ғоягина олам ҳақидаги тушунчаларимиз, одам ва олам ўртасидаги муносабатлар, шахс маънавий камолоти ва жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб равнақ топмоқда.

Миллий ҳуқуқий ғоя ва ҳуқуқий онг ҳамда анъаналар, урф-одатлар турмуш тарзи асосида шаклланади. Одамлар умумқадриятлар даражасига кўтарилган миллий манфаат атрофида онгли равишда ҳамда ақл-идрок ғояси ила жипслашадилар. Натижада ушбу интилишлар мажмуи миллий ғоя орқали миллион-миллион кишиларни ўз ортидан эргаштиради. Айниқса, муҳтарам Президентимиз таъкидига кўра: “Замон шиддит билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади”.

Даврлар ўтаверади, замонлар ўзгараверади. Бироқ халқона дунёқараш, миллатнинг маънавий-руҳий қиёфаси, моҳият ва мазмуни авлоддан-авлодга ўтиб, янги бўёқлар, янги мўъжизалар касб этган ҳолда давом этаверади. Бу боқий ва узлуксиз жараён миллат феномени сифатида фуқаро ҳис-туйғулари, ақидалари ва муносабатлари ҳамда илоҳий-руҳий оламини ўзида ифода этади. Таниқли ёзувчи, сиёсий жамоат арбоби Хайриддин Султонов ўзининг “Халқ сўзи” газетасининг 1999 йил 20 февралда эълон қилинган “Ўз йўлимиз, ўз эътиқодимизга собитмиз” деган сиёсий публицистик мақоласида: “Эркинлик йўлини танлаган фарзандлари ва она-Ватани истиқболини ўйлаб яшайдиган халқ ҳеч қачон ортга қайтмайди. Бунга башарият тарихидаги асрий тажрибалар, дунёнинг турли қитъалари ва мамлакатларидаги озодлик ҳаракатлари, эрксевар халқларнинг оғир, ҳатто деярли имконсиз шароитларда ҳам ўз тақдири ва келажаги учун олиб бораётган машаққатли курашлари ёрқин мисол бўла олади. Бизнинг иймонимиз, иродамиз бақувват, ниятларимиз пок ва аниқ. Ана шу эзгу мақсадлар муштараклиги Ўзбекистондаги барча фуқароларни ягона халқ сифатида бирлаштириб турибди”.

Натижада ўзбек халқининг умумий мақсадлари ва манфаатларини амалга ошириш йўлида бирлашиб яшаши ҳамда бирлашиб курашишига имкон яратилди. Ана шундай пайтда бошқа ҳар қандай бегона ва ёт ғоялар йўли тўсилади. Одамлар жаҳолат ва ғанимлик, ғоявий-мафкуравий тазйиқлар ва турли жоҳилий даъватларга ишонмай қўядилар. Турли ғоявий хуружлар авж олаётган, бизнинг энг муқаддас ғоя ва мақсадларимизга таҳдид солаётган бир пайтда фожиалар содир бўлмасидан барвақт олдини олишнинг энг тўғри ва ягона йўли ҳам бегона ва сохта ғояларга қарши кенг ижтимоий маконда ғоявий иммунитетни кучайтиришдир.

2-б.

АНЖУМАН

Матбуотда очиқлик ва сўз эркинлиги

ФАРҒОНАДА БЎЛИБ ЎТГАН “ЧИМЁН–2021” МЕДИАФОРУМИ МАЗМУНЛИ ВА ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАРГА БОЙ КЕЧДИ

Жорий йилнинг 21-28 февраль кунлари гўзал Фарғонанинг “Чимён” сиҳатгоҳида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, уюшманинг Фарғона вилояти бўлими ва Фарғона вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда “Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида очиқлик, сўз эркинлиги ва жамият” мавзусидаги анъанавий “Чимён – 2021” медиафоруми бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ОАВдан келган 80 га яқин журналистлар, асосан, босма нашрларнинг бош муҳаррирлари ва устоз ижодкорлар иштирок этишди.

Форумнинг асосий тадбирлари 22 февраль куни Марғилон ва Фарғона шаҳридаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий-маданий марказларнинг фаолияти билан танишишдан бошланди. Дастлаб, меҳмонлар Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар марказида бўлишди. Ушбу замонавий архитектура талаблари асосида бунёд этилган кўркам иншоотда электрон ахборот-ресурс маркази, 60 ўринли анжуманлар зали, музокаралар хонаси, видеостудия жой олган бўлиб, ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ўргатиш, ахборот технологияларида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмлари ўргатилар экан.

4-б.

ШУКУҲ

ОЙБЕК

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ...

Яна баҳор келди,
яна қалб ёнар,
Яна гул палласи,
яна ишқ фасли,
Узоқликлар сари
кўнгил толпинар.
Яна ичда жўшар
ҳисларнинг масти…

Уфқлар имлайди,
кўк ҳам, булут ҳам,
Гунафша кўзида
ёнар жонли ҳис,
Дарахтларга гулдан
тож қўйган кўклам,
Ишқим юпатса-чи…
йўқ, мендан олис!

Ариқларда лим-лим оқади
шўх сув,
Йўқ, сув эмас, оқар жонли,
ҳур қўшиқ,
Боғларни қучган
бир олтин уйқу
Ҳар ёнда гўзаллик,
ҳар ён бахт тўлиқ.

1929 йил, апрель

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Таҳририятимизга, Самарқанд шаҳар, Буюк ипак йўли кўчасида яшовчи Нигора Исмоиловадан шикоят хати келганида, аввалига, “наҳотки шундай бўлса”, деган ўй билан ишонқирамай турдик. Аммо ўрганишлар натижасида ростан ҳам Н.Исмоилованинг 1967 йилда туғилган, тиббиёт фанлари номзоди бўлган турмуш ўртоғи Ўктам Тожиевич Раҳмонқуловнинг 2020 йил 29 июнда коронавирус касаллиги сабаб вафот этганлиги маълум бўлди. Лекин...

Найранг

ёхуд шифокорнинг ўлимига оид хулосалар нега турлича?

— Бошимизга тушган бу мусибатдан кейин, янада оғир кунларга дуч келдик. — дейди Н.Исмоилова. — Турмуш ўртоғим “Covid-19” карантини даврида 2020 йил апрелдан 2020 йил 19 июнгача “СамАвто” МЧЖ корхонасида карантин ҳолатида ишлаб, шифокор сифатида ўз бурчини садоқат билан бажариб келаётганди.

У 2020 йил 19 июнь куни уйга бетоб аҳволда келди. Иссиғи баланд эди. Тинмай йўталарди. 2 кун уйда муолажа қилдик, аҳволи яхшиланмади, 22 июнь куни ўзимизнинг 7-сонли оилавий поликлиникага мурожаат қилдик.

Поликлиникадан келиб, бурнидан суртма олиб кетишди. 2020 йил 23 июнь куни эса “Коронавирус аниқланди”, деб уни Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонасига олиб кетишди. Оиламизни ҳам уй шароитида қаттиқ карантинга олишди. Турмуш ўртоғимни шифохонага бориб кўра олмадик, телефон орқали мулоқот қилиб турдик.

Ҳар гал гаплашганимизда, “Мен яхшиман, анализларим яхши чиқди, ҳавотир олманглар”, деб бизни хотиржам қилиб турарди. Аммо кутилмаганда 2020 йил 29 июнь куни турмуш ўртоғимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар келди.

Ўша пайтда оиламиз қаттиқ карантинда эди. Карантин сабабли турмуш ўртоғимнинг биронта таъзия маъракасини ўтказиш у ёқда турсин, уни вафотидан кейин охирги марта кўришга ҳам рухсат беришмади. Қаттиқ қайғуда қолдик. Қайнопам, қариндош-уруғларимиз ва қўни-қўшнилар: “Юртга келган бало эканда, нима қила олардик”, деб мени ва болаларимни юпатишди. Эл қатори биз ҳам чидадик, наилож, осмон йироқ, ер қаттиқ экан-да. Йиғлаб-йиғлаб бор аламимизни кўз ёшимиздан олдик...

Мен ҳам бу бало-қазо сабаб турмуш ўртоғимдан бевақт айрилиб, болаларим отасиз бўзлаб қолгач, қийналиб, моддий ёрдам олиш учун ҳужжат йиға бошладим ва Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонасига турмуш ўртоғимнинг вафоти билан боғлиқ тиббий хулосасини олиш учун бордим.

2-б.

ИККИНЧИ ФИКР

“МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ” — ЗЎРАВОНЛИК ЁРЛИҒИ ЭМАС!



Мусулмон мамлакатлари аҳолиси орасида “мажбурият” сўзи бот-бот тилга олинади. Гарчи бу сўзнинг негизида “жабр” тушунчаси ётган бўлса ҳам у бизнинг менталитетдаги одамлар учун аксарият ҳолларда ижобий маъно ташувчи истилоҳга дўниб бўлган. Шунингдек, бу сўз “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам ноилож; бурч. Ғайриихтиёрий вазифа, бурч ёки бирор мажбурий иш, ҳолат, эҳтиёж” деб изоҳланган. Демак, оилада исломий тарбия топган бизнинг миллат одамлари учун “мажбурият”, аксарият ҳолларда “бурч” ва “вазифа”-нинг маънодоши сифатида ҳам қўлланилади. Ота-онанинг фарзанд ва фарзанднинг ота-она олдидаги, эр-хотиннинг бир-бири қаршисидаги, қўшничилик мажбурият(бурч)лари ва ҳоказо. Бу каби мисоллар эса “мажбурият”ни зўрлов маъносида тушунмасликни талаб этади. Ахир “мажбурият” сўзининг таг замирида виждон амрига бўйсуниш, масъулиятлилик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ҳам мужассам эканлигини назардан қочирмайлик.

Сир эмас, кейинги пайтда “мажбурият” сўзи айримлар наздида ҳаммаёғида шохи бор аллақандай махлуққа айланиб бўлди. Ҳаммасига эса миллатнинг маънавият илдизларига қаланган олов – “мажбурий обуна” истилоҳи сабабчи бўлгани рост. Биз мажбурий обуна дея мана газеталарни ўқимасдан туриб ҳам унинг савия(ли)сизлигини баҳолайдиган, матбуотни “олабўжи” дейдиган мутлақо саводсиз бир қавмни “тарбиялаш”га бел боғлаб киришиб кетдик. Бироқ бундай белга боғланган белбоғ хайф. Биз бугун айтмоқчи бўлган фикр эса “мажбурий обуна”га оид эмас, асло!

Тўғри, бир пайтлар одамлар мажбурий меҳнатга жалб қилинган даврларда ҳам яшадик. Каттадан кичиккача ҳамма – пахта далаларга ҳайдаларди. Айнан вояга етмаган болалар меҳнатидан фойдаланилгани учун айрим давлатлар Ўзбекистон пахтасини сотиб олмай қўйган пайтлар ҳам бўлди. Ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа касб эгалари ўз иши қолиб кўчалардаги ободончилик ва тозалик ишларига жалб қилинарди. Ҳатто самарқандлик ўқитувчининг ободонлаштириш ишларига жалб қилинган пайтдаги фожиали ўлими кўпчилик ҳаммиллатларимизни чуқур қайғуга солди. Ҳукуматимиз сиёсати туфайли бу ишларга чек қўйилди. Бироқ бу бизга меҳнат тарбиясини мажбурий меҳнат деб қилдан қийиқ ахтаришга ҳуқуқ бермайди!

2-б.

Найранг

ёхуд шифокорнинг ўлимига оид хулосалар нега турлича?

1-б.

Лекин турмуш ўртоғимни даволаган шифокор Илҳом Ҳамидов хулосани “7-сонли оилавий поликлиника беради”, деди. Мен 7-сонли оилавий поликлиникага қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғимнинг вафоти билан боғлиқ тиббий хулосасини сизлар берар экансизлар деб сўраганимда улар: “Сизга қандай қилиб биз хулоса берамиз, ахир у киши вилоят юқумли касалликлар шифохонасида вафот этган-ку”, дейишди.

Мен 2020 йил 7 июль куни турмуш ўртоғимни даволаган шифокор Илҳом Ҳамидовга қўнғироқ қилиб, яна ўша хулосани сўрадим, у киши яна қатъий оҳангда: **“7-сонли оилавий поликлиникадан сўранг, сизга аниқ жавоб беришади”**, деди.

Мен мажбур бўлиб яна 7-сонли оилавий поликлиникага қўнғироқ қилдим. Улар дабдурустан: **“турмуш ўртоғи оғир аҳволда уйга олиб кетилган ва уйда вафот этган”,** деган хулоса бера оламиз, дейишди. Бу гапдан сўнг қон босимим ошиб, миямга чиқиб кетди. Бу нима дегани эди? Ҳеч тушунолмасдим.

Ахир, карантинда эканлигимиз сабаб, оиламизнинг эгаси, турмуш ўртоғимнинг ҳатто дафн маросимларини ўтказа олмай истиробда қолганимиз етмаганидик, 7-сонли оилавий поликлиника менга қандай қилиб **“турмуш ўртоғи оғир аҳволда уйга олиб кетилган ва уйда вафот этган”**, деган хулоса бериши мумкин? Қани бу ерда мантиқ, одамгарчилик ва ҳақиқат?

2020 йил 10 июль куни қайнонам Тожиева Малоҳат билан суд тиббий экспертиза бюросига бордик. У ерда бизга: **“биз майитни ёрмадик, фақат музлатгичда сақладик, тиббий хулосани Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонасидан оласизлар”,** дейишди. Биз бу найранглардан юрак бағримиз эзилгани сабаб турмуш ўртоғим даволанган шифохонага яна қайтиб бордик.

Шифохона бош шифокорига турмуш ўртоғимнинг вафоти билан боғлиқ тиббий хулосасига келганлигимни айтдим. У киши: “Ҳозир вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Даврон Жуманиёзов келади ва ишларингизни ҳал қилиб беради”, деди. Даврон Жуманиёзов келибоқ: “Сизлар уйга кетаверинглар, ўзим кечгача хулосани етказаман”, деб айтди.

Тўғриси, нима дейишга ҳам тилим айланмайди. Д.Жуманиёзов орадан 4 кун ўтгач, яъни 2020 йил 13 июль куни соат 16 лар оралиғида 7-сонли Оилавий поликлиникадан турмуш ўртоғимнинг вафоти билан боғлиқ тиббий хулосани етказди. Нетонгки, хулосада: **“Оғир аҳволда уйига жавоб берилган”**, деб ёзилган экан...

Кимга дод дейишни билмай қолдим. Агар турмуш ўртоғим ишсиз, бекорчи бўлиб вафот этганида ҳам чидардим, у тиббиёт фанлари номзоди, “Covid-19” туфайли карантин шароитида корхонада ишлаётган эдику! Касалхонада жон таслим қилган инсонга: **“Оғир аҳволда уйига жавоб берилди”,** деб ёлғон маълумот бериш кимга ва нимага керак бўлиб қолди?

Мен ушбу шикоят хатимга махсус комиссия “турмуш ўртоғимни қай ҳолатда кўмишгани ҳақидаги суратларни ва тиббий баённомасидан кўчирмани” тақдим этаяпман. Биргина илинжим таҳририятдан, ҳақиқатни ойдинлаштиришда кўмак сўрайман...

Ушбу бир ожиза аёлнинг ёзган шикоят хатини ўқиган ҳар қандай одам “Самарқанд тиббиёт муассасаларида нималар содир бўлган ўзи?” — деб ўзига ўзи савол бериши табиий. Келинг, аввалига госпитал бош шифокори З.Булаев ва шифокор И.Ҳамидовлар имзолаган “Беморнинг №5075-сонли тиббий баённомасидан кўчирма”сидан қўйилган ташхисни тўлиқ келтирамиз:

“Раҳмонқулов Ўктам. Ёши: 1967 йилда туғилган. Келган куни: 23.06.2020 й. Кетган куни: 30.06.2020 й.. Бемор 23. 06.2020 йил тез ёрдам машинасида келтирилди, беморда тана ҳарорати ошиши, томоқ оғриши ва коронавирус бирламчи таҳлили мусбат чиққанлиги, мусбат натижа олинганлиги туфайли тўлиқ текшириш ва даволаш мақсадида ВЮКК Самарқанд вилоят СЭОМ маълумотномаси асосида ётқизилган. Кўрикда: беморнинг умумий аҳволи ўрта оғир бўлиб турган, охирги куни 23.30 да тўсатдан ухлаган вақти талваса кузатилиб, чап томонлама қўл оёқда ҳаракат ва сезиш йўқолган, аҳволи оғирлашган. Эс-ҳуши кома, кўз қорачиқлари кенгайган, фотореакция суст...

Якуний ташхис: Бош мия қон айланишининг ўнг ўрта мия артерияси ҳавзасида ишемик инсульт (тромбоэмболик тури) типда бузилиши. Чап томонлама гемиплегия. Бош мия комаси. Тутқаноқ синдроми...

Беморга маъмурият ва масъул мутахассисларнинг тавсияси билан оғир аҳволда жавоб берилди”, дейилса,

“5-сонли Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома”да:

“Ўлган вақти: 01.07.2020 йил, Ўлим содир бўлган жой. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри” ва “Ўлимга олиб келган касаллик: тутқаноқ синдроми, COVID-19 билан мулоқот” дейилади.

Ажабо, буни қандай тушуниш мумкин? Нега хулосалар бундай турлича?

— Менинг уч нафар фарзандим бор, — дейди Н.Исмоилова, — катта қизим Самарқанд давлат тиббиёт институтида контракт асосида таҳсил олади, 2 таси ҳали вояга етмаган, яна полиартирит касали билан оғриб, ҳаракатланиши қийин бўлган 72 ёшли қайнопам, ёлғиз аёл Ҳосият Тожиева қарамоғимда яшайди. Ҳалигача ҳеч жойдан моддий ёрдам ололганим йўқ...

Ўтган йили пандемия сабаб жуда кўп оғир кунларни бошдан кечирганимиз ҳақиқат. Бу офат нафақат юртимизни, балки бутун дунё аҳлини қаттиқ саросимага солиб қўйди. Талафотларни, кўрилган зарарларни ҳали дунё тўлиқ ҳисоблаб чиқолмаяпти. Чунки бу офат ҳануз батамом йўқ бўлган эмас. Тан олиш керак, тиббиёт ходимлари қаҳрамонона фаолият кўрсатишди. Шу боис, уларга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилди. Моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Аммо юқоридаги ҳолатга ақлбовар қилмайди. Қандай қилиб ва нима учун пандемия шароитида вафот этган шифокор ўлими ҳақидаги маълумотлар сирли равишда ҳақиқатга зид расмийлаштирилган? Ахир, бемор **“уйига оғир аҳволда”** жавоб берилганида, ўз уйида вафот этган бўлмасмиди?!

Аммо берилаётган маълумотлар, хулосалар бу ерда найрангбозлик қилинганидан далолат. Биз ушбу сирли жумбоқни Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тегишли ҳуқуқ идоралари эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Чунки тиббиёт фанлари номзоди Ўктам Раҳмонқулов COVID-19 туфайли вафот этган. Агар шундай бўлмаганида марҳумнинг оила аъзолари ҳам тўлиқ карантинга олинмас эди, тўғрими?

Шундай қилиб, ариза муаллифи қон йиғлаб бизга ўз дардини баён этишига ва таҳририятга тақдим қилган ҳужжатларга кўра, Ў.Раҳмонқулов ўз уйида бу дунёни тарк этмагани аниқ бўлса-да, Самарқанд шаҳридаги 7-сон оилавий поликлиника сохта маълумотномани тақдим қилган. Умуман, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда Самарқанд вилоят ССБдаги мутасаддиларнинг бу қилиғига қандай баҳо бериш мумкин?

Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ,
“Hurriyat” мухбири.

“МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ” — ЗЎРАВОНЛИК ЁРЛИҒИ ЭМАС!

1-б.

Келинг, гапни узоқроқдан бошлайлик. Ҳали боламиз оёқ очиб атак-чечак қила бошлаши биланоқ биз “уни олиб бор, буни олиб кел” қабилида фарзандимизда меҳнат тарбиясини шакллантиришга уринамиз. Сал каттайиши биланоқ, биз ота-оналар кун бўйи ишда бўламиз, уй юмушларини эса уйдаги фарзандларимизга тақсимлаб берамиз. Хўш, буниси ҳам “мажбурий меҳнат”нинг бир кўриниши эмасми аслида? Худо кўрсатмасин, қайси биримизнинг фарзандимиз ўзининг мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қисқа рақамли “Ишонч телефони”га қўнғироқ қилмоқда? Ахир биз фарзандимизни оилада “мажбурий меҳнат”га чорлаяпмиз-ку! Бугун меҳнат дарсида мактабдаги дарахтни оқлаган ўқувчилар мажбурий меҳнатга жалб қилинди десак, эртага мактаб ҳовлисига дарахт эккан (ахир дарахтининг мевасидан тотинган қушлар ҳам боғбон ҳақига “чаҳ-чаҳ”лаб дуо қилиши айтилади-ку!) ўқитувчини меҳнатга мажбурланди десак эртамиз, инсонлигимиз нима бўлади? Бугун деярли ҳамма ташкилот ва корхоналар хўжалик ҳисобидан кун кўраётган пайтда уларнинг ҳовли ва бино атрофидаги юмушларини ким бажаради? Ахир ҳамма ташкилотлар ҳам ишчи-хизматчи ёллаб ишлатадиган даражада эмас-ку! Биз Европада эмас, Ўзбекистонда яшаяпмиз. Бу боришда бизнинг, авлодларимизнинг ер супуриш, сув сепиш, ҳашар, беминнат ва бетаъма ёрдам нималигини билмайдиган европаликлардан нима фарқи қолади? Ахир Шарқ фақат матоҳлари билан фарқланмаган-ку!

Бир эслаб кўринг-а, ота-бобомиз ҳеч замон пул бериб иморат қурдирганми? Йўқ. Чунки олдинлари иморатлар танти, меҳнаткаш, полвонқалб ўзбекларнинг ҳашари орқали барпо этилган. Ҳашар эса ўзбекнинг миллий қадриятларидан бири. Бу боришда кун келиб ҳашарни ҳам мажбурий меҳнат қаторига тиркаб қўйиш ҳеч гап эмас.

Маълумотларга кўра, “2020 йилнинг ўтган даври мобайнида жами 28 та ҳолатда мажбурий меҳнатга жалб этиш аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддаси биринчи қисмига асосан маъмурий жарималар” қўлланилибди.

Келинг, “мажбурий меҳнат” деб “таъбирланган” баъзи бир ҳолатларни кўздан кечирамиз:

Самарқанд вилояти Нарпай туман Халқ таълими бўлими мудири 2020 йил 22 май куни тумандаги 1-, 10-, 12-, 22-умумий ўрта таълим мактабларида мактаб директорларига мактаб ҳожатхоналарини ходимларга таъмирлатишни буюрган.

Ўзбеклар мактабни мадраса деб эзозлашган. Унга бир ғишт қўйишни орзу қилган одамларимиз. Ахир ана шу мактабларда ўқиётган болалар орасида эртанги кун ўзбегининг шаъни, ҳаёти, ғурури турибди-ку.

Энди мана бу айбловга эътибор қаратинг: “Тушунтириш ишлари олиб боришга мажбуран жалб этилган”миш... Тушунтириш ишлари олиб бориладиган жойга одамларни йиғиш қачондан буён мажбурий меҳнатга айланиб қолди?

2020 йил 21 апрель куни Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактаби директори томонидан мактаб ўқитувчиларини аҳоли томорқаларига экин ва кўчатлар экиши лозимлиги ҳақидаги тушунтириш ишлари олиб боришга мажбуран жалб этилган.

“Мажбурий меҳнат” тамғаси қўйилган айбловларни кузатар экансиз, ҳаммаси бир-бирига яқин, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва тозалаш ишлари... Урганчда ҳам айнан шу ҳол:

Хоразм вилояти Урганч шаҳрида жойлашган Туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари 2020 йил 24-25 январь кунлари коллеж ўқувчиларини ободонлаштириш ишларига мажбуран жалб қилган.

Баҳор келди. Маҳалла-кўйда ободончилик, ҳашар ишлари қизиб кетади. Қайсидир биримизнинг оила аъзомиз ишсиз, уйда ётсаю, уни маҳаллада ҳашарга чақиришса, буни кўрган блогерлар “мажбурий меҳнатга тортилди” деб аюҳаннос солиб турса?! Хўш, биз меҳнат тарбияси ва мажбурий меҳнатни бир-биридан фарқлашни қачон ўрганамиз? Умумтаълим мактабларида “Меҳнат” дарслари кўнгилдагидек ўтиляптими? Бугунги ўқувчи ота-бобоси тутган кетмонни ишлатишни биладими? Биз аллақайси блогернинг нотўғри ташвиқоти билан эртага Ўзбекистон учун дангаса, ишёқмас, такасалтанг бир авлодларни тарбиялаб етказиб бермаймизми?

Ўйлаб қоласан одам, бизнинг уруш оғзини аждаҳодай очиб турган бир пайтда 45 кун ичида катта Фарғона каналини қуриб битказган, қалб амри билан уйида мактаб очиб болаларга текин зиё тарқатган, минглаб ота-онасиз болаларни ўз фарзандлари қаторида бағрига олган, ҳашар билан мактабу масжидлар қурган танти ўзбекларимиз қаерда? Уларни фақат ўтмишдан ахтарамизми? Ҳар бир ҳатти-ҳаракатга “мажбурий” сўзини тупуклаб ёпиштиришдан кўп эмас, озгина ҳаё қилайлик. “Мажбурий меҳнат” атамаси қайсидир ташкилотлар учун зўравонлик ёрлиғига, этикетига айланмасин! Акс ҳолда эртага “мажбурий нафас олиш”, “мажбурий меҳр” каби тушунчалар ҳам тафаккуримизга печакгулдай чирмашса аҳволимиз вой бўлиши тайин... Кейин ҳолимизга маймунларнинг энг баҳайбати – горилла йиғласа ҳам аҳволимиз ўнгланиши даргумон!

Гўзал БЕГИМ

Қадриятлар жилоси

МИЛЛИЙ ҒОЯ — тараққиётнинг куч-қудрати

1-б.

Миллий қадриятлар авлодларнинг маънавий-ахлоқий, ғоявий сифатларини шакллантириш, яъни интизомлилик, иродалилик, ўз олдига қўйган улкан мақсадга интилиш, фарзандларни одоб-ахлоқ қоидалари ва тартиблари билан яқиндан таништириб бориш, яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиб олиш, ҳаётни севишга ўргатиш, умуман, комил авлодни тарбиялаш ҳозирги куннинг асосий талабларидан бўлиб ҳисобланади. Миллий ва умуминсоний қадриятлар миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан биридир. Авлодларимизни ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнига кенг жалб этиш, замон тараққиётидан ортда қолмаслигига эришиш, демак жаҳон тажрибаси ҳамда умумқадриятлар моҳиятини чуқур ўрганишни тақозо этади. Бу эса одамларнинг нурли келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сиёсий, интеллектуал онги ва маданиятини ўстириш, тараққиёт йўлини тўғри англашда ғоявий-мафкуравий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек феълининг афзалликларини ташвиқ қилиш, халқимиз маданиятининг бебаҳо ва бетакрор эканини англаш ҳамда жамоавийлик жамиятимизнинг муҳим хусусияти эканлиги, ижтимоий бирдамлик тараққиётимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилишига алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, бу жараёнда тараққиётга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўша оладиган етук шахсни, яъни унинг имижини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, шахс тафаккури ва маданиятини ўстирмасдан, унинг маънавий дунёсини бойитмасдан туриб ижтимоий ва иқтисодий ҳамда маданий жабҳалардаги вазифаларни бажариш – муҳими миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш мумкин эмас!

Ғоя — муҳим омил

Сиёсий ғоялар орқали дунёни идрок этишга нисбатан турлича қарашлар сифатида тадқиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу боис ҳаммамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун, яъни сиёсий партияларнинг ўзаро ғоявий-мафкуравий плюрализмини таърифлаш айни муддаодир. Демак, “Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади”, деган Президентимиз ғояларига амал қилиш давр талаби бўлиб қолади.

Сиёсий ғоя қуйидаги асосий тузилмавий унсурлар: 1) даврнинг умумий дунёқараши тизими билан алоқадорлик; 2) мавжуд тизимнинг у ёки бу ҳолати асосида шаклланган дастурий йўл-йўриқлар; 3) дастурий мақсадларни амалга ошириш стратегияси; 4) тарғибот ва ташвиқот; 5)дастурни амалга оширишга доир аниқ ўзгартишлар ёки ҳаракатлардан иборат бўлади. Яъни, сиёсий ғоя ўз соҳибининг (миллат, сиёсий партия, ижтимоий қатлам ёки гуруҳнинг) ижтимоий барқарорлигини мафкуравий жиҳатдан таъминлаш вазифасини бажаради. Шунингдек, у ўз ижодкори бўлган ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг нураши ёки инқирозга юз тутишига тўсқинлик қилиб, унинг яшовчанлигини таъминлаб туради. Шу жиҳатдан у ўз соҳибини сақлаш воситаси ҳамдир. Ғоясиз ҳар қандай жамият ёки давлат таназзулга юз тутиши турган гап! Асосий ижтимоий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларни ғоявий мафкура ҳосил қилади.

Умуман олганда, сиёсий партиялар ўзининг маълум сиёсий ғоявий мафкурасига эга бўлиб, унинг қайси ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этиши билан боғлиқ ҳолда кечади. Чунки, ҳар бир ижтимоий қатлам жамиятда тутган ўрни, мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб, ўзига хос сиёсий ғояни шакллантиради ва унда ифодалаган мақсадларни амалга оширишга интилади. Шу жиҳатлар нуқтаи назаридан Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолияти таҳлил этилганда, уларнинг сиёсий мафкуралари ўртасидаги кескин фарқланишларни кузатиш мумкин. Бу борада давлатимиз раҳбари ҳақли равишда қайд қилди: “Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, мафкуравий соҳадаги ишларини қайта кўриб чиқиб, уларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши, бунда жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш фойдадан холи бўлмайди”.

Маълумки, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз мафкурасини либерализм ғоялари эканлигини эълон қилди. Мамлакат “Адолат” социал-демократик партиясининг мафкураси эса социал-демократия мафкураси ҳисобланади. “Миллий такланиш” демократик партияси ўзининг миллийлик ва миллий тикланиш ҳамда юксалиш мафкурасига асосланишини таъкидламоқда. Халқ демократик партияси эса социал-демократияни ўзининг мафкураси эканлигини эълон қилди. Ўзбекистон экологик партияси экологик барқарорликка эришиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни асосий мафкура сифатида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ғоявий мафкураларидаги ўзаро муҳолифат жиҳатлари тадрижий йўл билан шаклланиб бошланди. Собиқ Иттифоқ даврида муҳолифатнинг йўқлиги сабаб яккаҳоким партия тизимидан қутулиш осон кечмади, албатта. Ва ниҳоят сиёсий партиялар ўртасида ўзаро ихтилофий муносабатлар шаклланди. Бунга сиёсий партиялар ғоявий мафкураларининг хилма-хиллиги, уларнинг таянч ижтимоий қатламлари ўртасидаги ўзаро фарқланишлар сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда парламент ва маҳаллий вакиллик органларидаги сайловларда депутатлик ўринлари учун партиялараро курашлар ҳам муҳолифатликнинг ривожланишига туртки бўлади. Бу эса жамиятда партиявий плюрализмнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади.

* * *

Ҳозирги замонда янги технологияларнинг тобора такомиллашиб бораётганлиги ва ундан турли соғлом ва носоғлом мақсадларда фойдаланишга уринишлар давом этаётганлиги кузатилмоқда. Янгиланаётган Ўзбекистонда миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш йўлида илғор технологияларга таяниб иш кўриш лозимлиги яққол сезилаётир. Бунда миллий ғояни тарғиб этишда турли жамоалар билан алоқалар, уларнинг шакллари муҳим ўринга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бизнингча, қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш миллий ғоянинг тарғиботига ижобий таъсир кўрсатади: жамоанинг фаолият соҳаси, жамоанинг социал-демографик ҳолати, миллий таркиби, жамоадаги маънавий муҳим, жамоанинг ижтимоий ҳаётда эришган ютуқлари ва муаммолари, жамоа қадрлайдиган муҳим ғоялар ва мақсадлар назарда тутилади.

Юқоридаги кўринишлар бўйича муайян билим ва маълумотларга эга бўлиш миллий ғоя тарғиботини ташкил этишга услубий ҳамда амалий ёрдам беради. Миллий ғоя тарғиботидан кўзланган мақсаднинг аниқ, ишончли ва таъсирчан, ҳаётий чиқиши ҳамда самарадорлигининг ошишига ижобий таъсирини ўтказади. Аксинча муносабатда эса кутилган натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатиниг туб моҳиятини халққа тушунтириш, уларнинг бу сиёсатни қўллаб-қувватлашларига эришишда фойдаланиладиган технологиялардан бири жамоатчилик билан алоқалар шаклидир.

Жамоатчилик билан алоқалар инсонларнинг фикрларига, кайфиятига, ҳиссиётига ва охир-оқибат хатти-ҳаракатларига кучли таъсир кўрсатувчи ишонч ва истаклар стратегиясидир.

Зеро, миллий ғоя чуқур эътиқодга айланган тақдирда, у улкан куч ва қудратга эга бўлиши, миллат ва халқ тақдирини ижобий белгилаши мумкин. Бунинг учун эса халқда мафкурадан ўрин олган ғояларга нисбатан юксак ва енгилмас ишонч руҳи яшаши керак.

Карим НОРМАТОВ.

СИЁСАТ

Янги сайловлар: ҚОНУНЧИЛИКДАГИ МУҲИМ ЎЗГАРИШ

Давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоатчилик назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

Зеро, сўз ва ахборот эркинлиги, ўз фикрини эркин билдириш, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи энг асосий ва умумэътироф этган инсон ҳуқуқларидан ва демократик жамият ривожининг муҳим омилларидандир.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси"да давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ сўнгги йилларда, Янги Ўзбекистонда очиқлик ва ошкоралик, сўз ва матбуот, фикр эркинлиги турмуш тарзимизга айланиб бораётганини халқимиз яққол ҳис қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолияти кескин юксалиб, уларда соғлом танқидий ва таҳлилий руҳ кучайди. Юртдошларимиз ўз фикрини очиқ-ошкора, ҳадиксиз, дадил айтаётганини халқаро экспертлар, халқаро ташкилотлар ҳам кенг эътироф этмоқда.

Жамият ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда, айниқса, сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда, оммавий ахборот воситалари — босма ва интернет нашрлар, телевидение ва радио фаолияти муҳим ўрин тутади.

Оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш ҳуқуқи мавжуд. Сайлов кодексининг 8-, 35-моддаларига асосан оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов куни овоз бериш биноларида, шу жумладан, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Албатта, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида мазкур масалага доим алоҳида эътибор қаратиб келади. Бунга 2019 йили мамлакатимиз Парламенти ва маҳаллий Кенгашларга илк бор Сайлов кодекси асосида "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида ўтган сайловлар ёрқин мисолдир. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига биноан ташкил этди. Бунда Марказий сайлов комиссияси ҳузурида Халқаро матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этди. Сайлов жараёнларини мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 155 нафар вакили ёритиб борди.

Халқаро матбуот марказида юздан ортиқ брифинг ва матбуот анжумани, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди, Марказий сайлов комиссиясининг ўндан ортиқ йиғилиши ва сиёсий партиялар ва номзодлар ўртасида ўтказилган 26 теледебат тўғридан-тўғри эфирга узатилди.

2019 йил 20 октябрдан 20 ноябрга қадар мамлакатимиз миқёсида "Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги" ўтказилиб, тарғибот тадбирлари билан миллионлаб сайловчилар қамраб олинди.

Олтмишта сайлов участкасида кузатув камералари ўрнатилиб, улардаги овоз бериш жараёни Халқаро матбуот марказида, Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда "Ўзбекистон-24" телеканалида намойиш этилди. Будан ташқари, Халқаро матбуот маркази билан ҳамкорликда 28 маротаба 150 дақиқалик "Press-coffee" ҳамда етти маротаба 30 дақиқалик "Пресс-брифинг" жонли эфирда кўрсатилди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва унга аъзо элликдан ортиқ телерадиостанция томонидан "Демократик дебат" ток-шоусининг 26 сони жонли эфирга узатилди.

Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти (elections.uz) модернизация қилиниб, унга ўзбек тилида 3 800 дан ортиқ, рус тилида 2 400 га яқин, инглиз тилида 350 дан ортиқ материаллар жойлаштирилди.

Энг муҳими, сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда сайловларга бағишланган 42 мингдан ортиқ, жумладан, 4 мингга яқин танқидий руҳдаги чиқишлар қайд этилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида барча сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари учун сайловчилар билан учрашувлар, баҳслар, дебатлар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, плакатлар, роликлар, баннерларни жойлаштириш учун тенг имкониятлар яратилганини ҳам қайд этиш ўринли. Умуман олганда, оммавий ахборот воситалари, Интернет саҳифалар ва ижтимоий тармоқларда сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига оид жами 141 952 ташвиқот материали эълон қилинди.

Буларнинг барчаси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнлар қонунчиликда белгиланган муддатларда, эркин, очиқ-ошкора, шаффоф, сайлов соҳасидаги миллий қонунчилик, хусусан, Сайлов кодексига мувофиқ ўтказилишига хизмат қилди.

Ўтган сайловларда орттирилган катта амалий ва ҳуқуқий тажриба, шунингдек, миллий ва халқаро кузатувчилар томонидан билдирилган тавсиялар сайлов қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Жорий йилнинг 8 февраль куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтириш, миллий сайлов тизимини такомиллаштириш, сайловларда очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашдек эзгу мақсадларга эришишда муҳим омил бўлади.

Сайлов жараёнларини холис ва ошкора ёритиш журналистлардан, аввало, миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини пишиқ-пухта билишни, журналист этикасига қатъий риоя қилишни талаб этади. Шу жиҳатдан, 2019 йилги сайловлар олдидан Марказий сайлов комиссияси томонидан бу борада журналистлар ўқуви ташкил этилгани яхши самара берганини таъкидлаш ўринли.

Сайловларнинг натижалари ва хулосалари Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган "Сайлов–2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар" ахборотномасида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.

Сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгартишларни пухта билиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Зеро, қонунни билмасдан, киши, айниқса, журналист, ўз ҳақ-ҳуқуқи, бурчи ва мажбуриятларига амал қилиши мушкул. Ана шундай муҳим ўзгартишларнинг айримларига тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Янги қонунга биноан Сайлов кодексига киритилган ўзгартишларга кўра, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ўтказиш вақтини ўзгартиришга оид таклиф, айниқса, кўпчиликнинг эътиборини тортганини қайд этиш жоиз.

Аслида, сайлов жараёнларининг кўп йиллик бевосита иштирокчиси сифатида фуқароларнинг сайловларни ўтказишни илиқ кунларга кўчириш борасида билдирган истак ва таклифларини илгари ҳам неча бор эшитганмиз. Шунга қарамай, сайловларни йил охирида ўтказиш билан боғлиқ эски анъанани ўзгартириш масаласи ҳозиргача эътибордан четда қолиб келаётган эди.

Экспертлар томонидан қайд этилганидек, сайловларнинг қаҳратон қиш — декабрь ойидан кўра, очиқ-сочиқ, илиқ ойда ўтказилиши сайланувчилар ва сайловларни ташкил этувчилар учун ҳам жуда қулай.

Сайлов қонунчилигига киритилган бу муҳим янгиликни катта хайрихоҳлик билан кутиб олаётганлар орасида сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллий кузатувчилар, депутатлар ва журналистлар бор. Уларнинг фикрича, сайловларнинг айни совуқ қиш мавсумига тўғри келиши фуқароларнинг сайловлардаги фаоллигига, сайловолди ташвиқот тадбирларининг кенг қамровда ўтказишга, айниқса, оммавий тадбирларни ташкил этишга салбий таъсир этиб келаётган эди.

Қолаверса, сайловлар натижасида конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркиби даврийлик принципи асосида янгиланиши таъминланади. Барча даражадаги ижроия ҳокимияти қайтадан шакллантирилади. Бундан ташқари, илиқ кунларга белгиланганлиги янги йил байрами, йил якунлари ва сарҳисоби, келгуси йил режалари, дастурлари билан боғлиқ ғоят муҳим ва серташвиш жараёнларга таъсир кўрсатмайди.

Бундай сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар муайян вақт ва меҳнат талаб қилиши табиий. Президентимиз 8 февраль куни имзолаган янги қонун бўйича сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга биноан, энди Президентликка сайлов, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланди. Таъкидлаганимиздек, бундай сайловлар илгари декабрь ойида ўтказилар эди.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилиб, уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланиши муносабати билан туман, шаҳар сайлов комиссиялари таркиби 21 нафар аъзогача кенгайтирилди.

2019 йили ўтказилган сайловлар жараёнида мазкур йўналишда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ қатор вазифалар мавжудлиги маълум бўлди. Сайлов кодексининг 25-моддасида "участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас", деб қайд этилган. Аммо шифохоналар, дам олиш уйлари, ҳарбий қисмлар, мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари каби муассасаларда, уларнинг қатъий ички тартиб-қоидалари талабларидан келиб чиққанда, сайлов участкаси аъзоларини бундай тартибда тузиш қийин.

Шуларни эътиборга олиб, янги қонунга биноан, Сайлов кодексининг мазкур моддаси учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди: "Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно".

Таъкидлаш зарурки, 2019 йилги сайлов даврида 38 та хорижий давлатдаги Ўзбекистоннинг дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида 55 та сайлов участкаси ташкил этилди. Мамлакатимизнинг хориждаги ваколатхоналарида консуллик ҳисобида бўлган ёки бўлмаганидан қатъи назар, барча ватандошларимиз учун овоз бериш имконияти яратилгани ҳам ана шундай муҳим ўзгаришлар сирасидандир. Хорижда 112 411 нафар юртдошимиз ўзининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, овоз берди. Аввалги сайловларда мамлакатимизнинг чет элдаги ваколатхоналарида консуллик рўйхатидан ўтган фуқароларгина овоз бера олган.

Сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгартишларга кўра, сайлов комиссиялари зиммасидаги номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифанинг чиқариб ташланиши, сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланишнинг тақиқланиши, сайлов натижаларини эълон қилиш муддатларининг асоссиз чўзилишининг олдини олиш мақсадида, сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят қилиш муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилишига оид янги нормаларнинг киритилгани сайловларни очиқ-ошкора, шаффоф ва мустақиллик тамойиллари асосида ўтказишга хизмат қилади.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг молиявий шаффофлигини таъминлаш мақсадида, улар томонидан сайловдан олдин оралиқ ва сайловдан сўнг якуний молиявий ҳисоботларни, шунингдек, Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилди.

Мазкур ўзгартишлардан яхши хабардор бўлиш ва уларнинг амалиётдаги ижросини кузатиб бориш оммавий ахборот воситалари вакилларидан жорий йилда кутилаётган Президентлик сайловининг ҳам умумэътироф этилган халқаро сайлов принциплари асосида ўтишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Бу муҳим сиёсий кампания Янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, гражданлик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этади, деб билдирилган ишончни оқлаш барчамиздан фаол ҳаракатни талаб қилади.

Ҳасан АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Аёл ҳақида сўзлаганда, доим кўз олдимизга Она тимсоли келади.

Афсуслар бўлсинки, меҳри ва иссиқ бағрининг тафтини эндигина англаётган пайтимда онам бу дунёни тарк этди. Шундагина онамнинг мен учун ягона суянчиқ, ҳамдард, сирдош, шижоат, ғурур ва шаънимнинг ҳимоячиси эканини англадим. Машъум айриликдан сўнг онамнинг қадр-қиммати, мен йўқотган бебаҳо бойлик эканини тушундим. Волидам дунёни тарк этганидан сўнг, ҳар бир она кўзимга ўтдек иссиқ кўринадиган ва "Қанийди, шу аёл онамга айланиб қолса эди", дея бағрига отилгим, юзларини силагим келар эди.

Ҳаётда яшаб шуни билдимки, оналарнинг бегонаси бўлмас экан. Сўзламоқчи бўлган воқеа ҳам ана шундай меҳрибахшида Мамлакат ая Комилова ҳақида.

ФАЗО МАЛИКАСИ БИЛАН ЁНМА-ЁН

Космонавт Валентина Терешкова билан учрашган ўзбек аёли

Тасодифан учратиб, танишиб қолганим — Мамлакат аянинг кўриниши, жилмайиши, ҳатто овозигача онамникига ўхшарди. Мамлакат ая Юнусобод туманида истиқомат қилар экан. У билан она-бола тутиндик. Яқинда тутинган онам 85 баҳорни қаршилади. Ўрта бўйли, юзидан нур балқиб турадиган, сочлари оппоқ, қадди бироз букилган Мамлакат аям дуогуй, суҳбати ёқимли, дунёқарашининг кенглиги билан атрофдагиларни бир пасда ўзига ром этиб олади. Ая бошидан ўтган, қалбида муҳрланган воқеаларни хўрсиниш ва фахр ила ҳикоя қилади:

— Ёшлик бебаҳо давр бўлар экан. Ўшанда ҳали ёш эдим, онам мени доим ёнларида олиб юрадиган зийраккина қизча эдим. 1966 йилда пойтахтда бўлган қаттиқ зилзиладан жабр кўриб, энди ўзимизга кела бошлаган пайтлар эди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан онам мени мактабга бердилар. Мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг мактабгача таълим йўналишига ўқишга кирдим. У вақтларда ёшларнинг аксарияти содда ва самимий, билим олишга иштиёқи жуда баланд эди. Мен ҳам тенгдошларим қаторида изландим, ўқидим, рус тилини мукаммал ўргандим. Ҳаётимиз яхшиланиб бораверди.

Иқтидорим, изланувчанлигим туфайли халқ эътиборига тушдим. Санъатга ошуфталигим ва соҳада иқтидоримни намоён этганим учун 1957 йили ёшлар ансамбли билан Москвада бўлиб ўтган маданият декадасида иштирок этишга муваффақ бўлдим.

У ерда катта тадбирда нутқ сўзлаб, олқишларга сазовор бўлдим, бахтимни топдим. Ўша куни Москвада ўқийдиган ўзбекистонлик Асқар деган йигит декадада қатнашиб, мени ёқтириб қолган экан.

Тошкентга қайтгач, ундан совчилар келди, турмуш қурдик. Турмуш ўртоғим вақт ўтиб илмий ишини ёқлаб, номзодлик унвонини олди. Мен болалар боғчасида ишладим. Фарзандларимиз туғилди. Уй юмушлари, давлат иши, келинлик вазифасини ўташ, фарзандлар тарбиясини баробар олиб боришга тўғри келди. Ҳатто бадиий китоблар ўқишга ҳам улгурардим.

Хизматларимизни эътиборга олган давлатимиз оиламизга янги уй ҳадя қилди. Фарзандларимиз иқтидорлилиги туфайли Успенский номли мусиқа мактабини тугаллашди. Партия аъзолигини олдим, болалар боғчасига мудира этиб тайинландим. Халқ таълими аълочиси мукофоти, собиқ иттифоқнинг "Меҳнатлари учун" медали билан тақдирландим.

Муҳими, ҳаётимдаги энг оламшумул воқеадан эса доимо фахрланаман. 1976 йил. Ўша пайтлар қизлар фазога учган космонавт Валентина Терешковага ҳавас қиларди. Уни кўриш бахти менинг хаёлимга ҳам келмаган. Не бахтки, Ўзбекистондан мен, Қозоғистон ва Россиядан биттадан аёл танлов асосида Москвага жўнатилдик.

Бу Оллоҳнинг мўъжизаси эдими, ҳамон англолмайман. Бизга Валентина Терешкова бошчилигида Лаос Демократик Республикасидаги етим ва ночор болаларга гуманитар ёрдами олиб бориш топширилган эди.

Гўё тушга ўхшарди. Бизни Москвада Валентина Терешкова кутиб олди, чой устида суҳбатлашдик. Эртаси куни самолётда аввал Ҳиндистонга, кейин Бирмага, сўнгра Вьетнамга бориб, гуманитар ёрдамлари тарқатдик. Самолётдан чет давлатларга қўнар эканмиз, ҳар гал хорижликлар эгнимдаги миллий хонатлас кўйлагимга ҳайрат ва ҳавас билан қарашарди. Камалакнинг етти ранги товланаётган хонатласимиз ҳатто япониялик, хитойлик делегацияни ҳам бефарқ қолдирмади. Улар мени саволларга кўмиб ташлашди. Биз 9 кундан сўнг Москвага қайтдик. Мени совға-саломлар билан кузатишди. Юртга қайтгач газета, журналларга интервью бердим, телекўрсатувларга олишди.

Ҳа, чет мамлакатларни кезиб келган Мамлакат аянинг тўлқинланиб айтган сўзларидан Ватанга ва оилага муҳаббат, баҳолаб бўлмас ёрқин ҳис-туйғулар юз-кўзларида уфуриб турарди.

– Турмушимдан мамнунман, — дейди сўзи якунида ая, — зиёлилар оиласи сифатида бугунги кунда қизларимнинг бири профессор, бири касбимни эгаллади. Ўғилларимнинг бири мусиқа мактаби раҳбари, бири техника фанлари номзоди. Набираларим эса издошларим. Бири талаба, бири олийгоҳни тугаллаб, давлат корхонасида Ватан равнақи учун хизмат қилмоқда. Шукронам эса чексиз.

Ҳаёти мобайнида илм олиш, изланиш, ёш авлодни тарбиялаш йўлида умр кечириб келаётган 85 ёшли онахон ҳалиям китоб ўқишни яхши кўради. Мамлакат ая яқинда шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг "Хамса" асарини иккинчи марта ўқиб тугатди. Бу эса таҳсинга лойиқ. Қанийди, ҳаммамизнинг китобхон бувиларимиз бўлса...

Анора АБДУЛЛАКОВА

ТАҚДИМОТ

"Умид ёғдуси" мавжланди

Журналист халқи борки, арзимаган рағбатдан ҳам кўнгли кўтарилади, бир олам завқу шавқ олади. Ўзини ўтга, чўғга уриб, куйиб-пишиб тайёрлаган мақоласи бирор нашрда эълон қилинса, бу янгиликдан ўзига сиғмай қувонади. Ёзганини қайта ва қайта ўқиб, илҳомланади. Айтиш жоизки, соҳага энди қадам қўяётган ёшларни қўллаб-қувватлаш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланган.



Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Ёш юраклар садоси" лойиҳаси доирасида нашр этилган "Умид ёғдуси" тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов ва устоз журналист Ҳалим Саидов йиғилганларни мазкур китоб билан самимий табриклаб, юртимизда журналистларга қаратилаётган эътибор ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Тадбир тўпламга ижод намуналари киритилган ёшлар билан давра суҳбатига уланиб кетди.

— Жасорат, журъат ва матонат. Бугунги ёш журналистлардан сўраладигани ва кутиладигани фақат шу. Уюшмамиз ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу мўъжаз китоб эса, журналистика бўсағасида турган қадрдон ука-сингилларимизнинг келгуси фаолиятларига рағбат дебочаси бўлади, деган умиддамиз...

Бу ҳали бошланиши. Келгусида республикамизнинг диққатга сазовор жойларида ёш журналистларнинг семинар-тренингларини ташкиллаштиришни ҳам режа қилганмиз, — деди Холмурод Салимов.

Китобда олтмиш нафарга яқин журналистларнинг коронавирус пандемиясига қарши кураш, рўй берган табиий ва техноген офатларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар, юртимизнинг турли ҳудудларида умргузаронлик қилаётган оддий ва фидойи инсонлар, бирдамлик, саховатпешалик каби халқимизга хос бўлган қадриятлар билан бир қаторда, турли ижтимоий масалаларга бағишланган танқидий-таҳлилий энг сара мақолалар ҳам ўрин олган.

Абдулазиз АҲМЕДОВ

Матбуотда очиқлик ва сўз эркинлиги

1-6.

Маълумки, миллий матоларимиз ўз жозибаси ва кўрки билан наинки юртимиз, балки хориж юртларда ҳам машҳур. Айниқса, марғилонлик уста-ҳунармандлар томонидан тўқиладиган ипак матолар мафтункор нақшлари билан алоҳида ажралиб туради. Қўл меҳнатини қадрловчи кишиларнинг ишларини кўриш истагидаги журналистларнинг кейинги манзили Марғилон шаҳридаги “Ҳунармандлар маркази” бўлди. Бу ерда ипакнинг гўзал матоларга айланиши, миллий либос ва буюмлар, нодир гиламларнинг тўқилиши жараёнини яқиндан кузатиш мумкин бўлди.

Сиз тошдан қоғоз ишлаб чиқарилишига ишонасизми? Ишонаверинг. Фарғона шаҳридаги “Fergana stone paper” корхонаси. Фарғоналик, асли касби шифокор-жарроҳ Абдураҳмон Ниёзов 20 йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Эътиборлиси, у янгиликлар яратишдан чарчамайди. Унинг тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам ягонадир. Умуман олганда, Ўзбекистон тошдан қоғоз ишлаб чиқариш бўйича Хитой, Тайван, Эрон ва Япониядан кейинги бешинчи давлатлар сафига қўшилди. Корхонада 60 киши иш билан таъминланган.

Шунингдек, ОАВ вакиллари вилоят матбуот уйи ҳамда “Фарғона ҳақиқати – Ферганская Правда” газеталари таҳририятларида ҳам бўлишди. У ерда таҳририят ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар, журналистлар ўртасидаги ижодий муҳит ва матбуот анжуманлари ўтказиш учун мўлжалланган хоналар медиа форум иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Медиалагердаги беш кунлик машғулотларнинг кун тартиби шундай ранг-баранг тузилдики, унда журналистлар эрталабки нонуштадан сўнг то тушлик маҳалигача санаторийнинг муолажа бўлимидан соғликларини тиклаш учун ўзларига керакли муолажаларни қабул қилишди, спорт машғулотлари, сузиш ҳавзалари, фитобар, яқин ҳудуддаги маҳаллий аҳоли томонидан лагерга олиб келинган қуруқ, хўл мевалар, турли хилдаги гиёҳлардан харид қилишиб вақтларини мазмунли ўтказишди.

Тушликдан сўнг эса пойтахтдан келган устоз-журналистларнинг семинар-тренингларида иштирок этиб, маълум мавзудаги маърузаларида қатнашдилар, ўзларини қизиқтирган касбий, ижодий саволларига жавоб олишди. Шунингдек, турли вилоятлар таҳририятлари томонидан ўтказиладиган газета, сайт тақдимотларни кузатиш, ўзаро фикрлар алмашиш ҳамда маданий-маърифий тадбирлардан баҳраманд бўлишди.

Медиалагернинг тантанали очилиш маросими 23 февраль куни тушдан сўнг бошланди. Анжуманда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, сиёсатшунослик фанлари доктори Шерзодхон Қудратхўжа, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов бош-қош бўлди.

Холмурод САЛИМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари:

— Маълумки, оммавий ахборот воситаларида иш бошлаган, уларда фаолият олиб бораётган журналистлар касб малакасини ошириб бориш доимий долзарб масала ҳисобланади. Юртимиздаги оммавий ахборот воситалари – газета ва журналлар, телерадиоканаллар, ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтган веб-сайтлар, қолаверса, корхона ва ташкилотларнинг ахборот хизматлари ходимлари, яъни журналистлар касб малакасини ошириб боришга эътибор янада кучайтирилиши зарур.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, ЎзЖОКУ ректори, сиёсатшунослик фанлари доктори:

—Янги авлод вакиллари ҳам газетани бажонидил ўқийди, ўқимайди десак хато бўлади. Аммо улар энди газетани қоғозда эмас, кўпроқ гаджетларда ўқийди. Худди бадиий китобларни электрон шаклда ўқиганидек, газетани ҳам шундай ўқийди. Қачонки, газетада уни қизиқтира оладиган материал бўлса. Минг афсуски, бугунги кун ўқувчиси ҳатто анъанавий телевидениени ҳам кўрмай қўйди. Кўради фақат интернетда ўзига қулай пайт, муҳит ҳамда маконда. Газетада меҳнат қилувчилар “бизга газета керак”, дейишяпти. Албатта, керак. Бунга ҳеч ким қаршилик қилмайди, газета кераклигини инкор ҳам этмаймиз. Фақат биз мажбурий обунага қаршимиз. Энди виждонан жавоб беринг-чи, мажбурий обуна қилинган нашр ўқиладими? Яна такрорлаб айтаманки, газета яшайди, қачонки унинг ўз ўқувчиси бўлса.

Олимжон ЎСАРОВ, “Нуроний” газетаси ва “Кексалик гашти” журнали бош муҳаррири:

— Замонавий журналистиканинг умумий табиати сезиларли даражада ўзгарди: бу жамиятнинг шаффофлашаётгани, аудиториянинг фаоллашаётгани, шахслар фаолияти ва ахборот тезлигининг ўсганлиги билан бевосита боғлиқ. Маълумки, аудитория ахборотни тез ва соф ҳолатда қабул қилишни истайди, ОАВнинг давлат ва жамият ўртасида бетараф бўлиши тарафдори. Бу ҳолатлар аудиториянинг лаёқати, хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори ва хулқини шакллантиради. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари, хусусан, журналистлар жамият ва кишилар тақдири олдида жавобгарликни ҳис қилмоғи лозим. Табиийки, бу журналист зиммасига катта масъулият юклайди.

Норқобил ЖАЛИЛ, “XXI аср” газетаси бош муҳаррири:

— “Чимён-2021” анъанавий медиафоруми ўзига хос ижодий мунозара майдонига айланди, десам, муболаға бўлмайди. Тасаввур қилиш қийин, бугунги мураккаб шароитда юзга яқин қаламкашни бир даврага тўплаб, энг глобал мавзуларни, айниқса, холис сўзи ва ўткир қалами билан жамият, халқни уйғотмоққа қодир соҳа — журналистика вакиллари иштирокида муҳокама қилиниши хайрли ишлардан бири.

Шахсан мен модераторлик қилган мавзу — газетачилик билан боғлиқ баҳс-мунозаралар айни шу даврнинг энг оғриқли муаммоларидир. Истайсизми, йўқми, ҳозир босма нашрлар мушкул аҳволда турибди: яъни аввало, иқтисодий аҳвол ҳаминқадар, бир ёқда издан чиқиш даражасига етиб келган почта, матбуот тарқатиш тизими ОАВни обрўсизлантиришга “ҳисса” қўшганиям бор гап. Демак, мамлакатдаги барча бўғин нашрлари — у республика ёки вилоят ва туман миқёсида бўладими, барибир муассислар қовоғига мўлтираб қараб ўтиргани ташвишли. Яна бир масала, дасти узунроқ таъсисчилар бир амаллаб ўз нашрини қўллаяпти, отасига раҳмат шундайларнинг. Лекин ҳатто шундай нашри борлигиниям унутворган давлат ва нодавлат ташкилот идоралари-чи? Мана, муаммо илдизи қаерда?

Бир сўз билан айтадиган бўлсам, бу нуфузли анжуман ҳаммамиз учун фойдали ва самарали кечди. Фикр, тажриба алмашилди.

Ҳусан ЭРМАТОВ, “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари бош муҳаррири:

— Газетачилик жуда машаққатли касб. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, талаба амалиётчига биргина газета корректурасининг ўзи университетнинг бир курси бера олмаган таълимни бера олади. Тўғриси, мен Шерзодхон Қудратхўжанинг газета ҳақидаги фикрини йўлда келаётганда ўқиб қолдим ва жуда хафа бўлдим. Шерзодхон бу фикрни “Пресс клуб” раҳбари сифатида билдирган бўлиши мумкин. Лекин унинг ректор сифатида бундай фикр билдиришга маънавий ҳаққи йўқ. Тўғриси, буни унинг ўзига ҳам айтдим. Маълумки, мамлакатимиздаги 5 та олийгоҳда журналистика факультетлари бор. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети айнан журналистика соҳасида биринчи рақамли таълим муассасаси. Бунда ректор ҳар бир факультетни тарозининг тенг палласига қўйиши муҳим. Тўғри, Шерзодхон замонавий журналистикага чуқурроқ кириб бориш тўғрисида ўйлаяпти. Бироқ ҳеч иккиланишсиз айтиш мумкинки, газетачилик журналистиканинг юраги. Зеро, газета “қозонида пишган” кадргина журналистиканинг бошқа йўналишларини ҳам қийинчиликсиз торта олади. Бугун қайсидир ижтимоий тармоқда ёхуд телевидениеда фаолият юритаётган ёш журналистга диктант ёздириб кўринг... Афсус, ҳақиқат шуки, журналистикада аксарият ҳолатларда яхши мақола ёзолмайдиган, керак бўлса, яхши кўрсатув қила олмайдиган мутахассислар таҳсил олмоқда.

Абдусаид КЎЧИМОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА бош директори:

— Матбуот бугун ўз имкониятларидан самарали фойдаланмаса, ўзини кўрсатмаса жамиятдаги ўрнини йўқотади. Бу ишни ким бажаради – журналистлар. Бунинг учун ҳамкасбларимиз жиддий, жамоатчилик фикрини шакллантирадиган мавзуларни ёритиши, танқидий-таҳлилий материалларни кўпроқ ёзиши керак. Журналист маҳорати ва жасоратини уйғунлаштириб меҳнат қилса, ёзса, албатта зиммасидаги вазифасини бажариш билан бирга матбуот ривожига ҳисса қўшади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Қўл телефони бугун, гўёки халқимиз дунёқарашини синовдан ўтказяпти. Катта-ю кичик шу матоҳга боғланиб қолган. Бу синовдан қандай ўтиш ҳар биримизга боғлиқ. Кўпроқ ўқишимиз, ёзишимиз керак. Ҳозир кўп айтилаётган “газета йўқолиб кетади” деган гап бўлмаган гап. Бундан ташвишланманг. Ёзмай қўйишдан, ёзолмасликдан ташвишланинг. Таҳлилий-танқидий ёзишимиз, одамларни ҳам шундай фикрлашга ўргатишимиз зарур.

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ, “Hurriyat” газетаси бош муҳаррири:

— “Мажбурий обуна” баҳонасида миллионлаб фарзандларимиз — ёш ниҳолларимиз ҳатто болалар нашрлари бўлган “Ғунча”, “Тонг юлдузи”, “Гулхан” каби нашрларни кўрмасдан мактабни битириб кетишмоқда. Яхши эслаймиз, бир пайтлар ҳар бир бошланғич синфда нечта бола бўлса, шунча “Ғунча” ёки шунча “Тонг юлдузи” келар эди. Нархи ҳам арзимаган пул бўларди. Каттароқ синфга кўчганимизда ҳар бир синфдошимиз “Гулхан”ни олар, қизиқиб ўқир эди.

Бу нашрлар том маънода ҳаётимиз шамчироғи бўлган. Китобга, адабиётга меҳр шундан бошланар эди-да. Бугун-чи, ҳаётимизда турли баҳонаю бетайин важлар туфайли, бу жиҳатларга эътибор маълум даражада йўқолиб қолди. Йўқса, 10 мингдан ортиқ мактаблари бор, миллионлаб болалар ўқийдиган юртда ўқувчиларнинг журналлари, газеталари республика бўйича бир минг, ё икки минг нусхада чоп этилармиди?!

Бу дегани ҳатто 6-7 та мактабга бу нашрлар ақалли бир нусхадан ҳам бормаётир, деганидир. Агарда ҳар бир мактаб ўқувчиси айтайлик, “Гулхан”ни олса, бугунги кунда у юз минг тўғрироғи, миллион нусхада чоп қилинмасмиди?! Унинг обуна баҳоси ҳам кўпи билан 3-4 минг сўм бўларди, шунда. Ўйлаймизки, бундан аксарият ота-оналар ҳам хурсанд бўлишар эди. Энг муҳими, жамиятнинг эртаси учун бу масалада ўнгланиш бўлиши шарт.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси:

— Чимён анъанавий медиафоруми бу йил тўққизинчи маротаба ўтказилди. Бу йилги форумнинг бош мавзуси эса босма нашрлар ва электрон ОАВ бир-бирига рақобатчими ёки бир-бирини тўлдирувчи воситаларми деган муаммоли саволларни бир ҳафта давом этган форумимизда муҳокама қилдик, билдирилган таклифлар устида ишланди, келгусидаги ишларимиз хусусида келишиб олинди. Шунингдек, форумда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи нашрлари бош муҳаррирлари ҳамда халқаро ахборот агентликлари, сайтларидан вакиллар жалб этилиб онлайн тарзда форум иштирокчилари билан мулоқот олиб боришди. Ҳудудлардан келган журналистлар эса ўзларини қизиқтирган барча саволларига улардан жавоб олишиб, таклифларини ҳам айтиб ўтишди.

Навбаҳор ИМОМОВА, “Америка овози” ахборот агентлиги (АҚШ) мухбири:

—Журналист учун ҳеч қачон яхши ва кўнгилдагидек ҳукумат бўлмайди, ҳукумат эса журналистга доим ҳам барча маълумотларни очиқ-ойдин айтишни, билдиришни истамайди. Ҳар икки томонда ҳам қарама-қарши томондан кўнгил тўлмаслиги ёки унга тўлақонли ишонч бўлмаслиги бор гап. ОАВ халқ муаммосини эшитиб, уни омма эътиборига ҳавола қилгани яхши, албатта.

Аммо фуқарони эса ОАВга муаммони ҳал қилувчи эмас, муаммо ҳақида жамоатчиликка хабар берувчи вакил сифатида қарашга ўргатиш шарт. Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистонда ОАВга мурожаат қилувчи фуқаролардан нега журналист мени эшитиб, муаммоларимни олиб чиқмаяпти, нега менинг ишимни ҳал қилмаяпти, журналистларга Президентнинг ўзи ишонч билдирган-ку, деган мазмундаги шикоятларни эшитиб қоламиз. Яқинда менга Намангандаги бир мактаб директори телефон қилиб, мактабдаги муаммони олиб чиқишимни сўради.

Мен эса маиший муаммоларни олиб чиқмаслигимни билдирдим ва маҳаллий ОАВларга мурожаат қилишни таклиф қилдим. Директор эса республикадаги ОАВлар ҳеч нарсани ҳал этмаслигини, ҳатто республикадаги энг катта интернет нашри унинг муаммосини уч-тўрт маротаба олиб чиққанини, бироқ масала ҳалигача ҳал этилмаганини айтди. Шунда мен ОАВ муаммони ҳал этувчи эмас, муаммодан жамоатчиликни хабардор қилувчи эканлигини таъкидладим. Лекин мурожаатчи буни тушунишни ҳам истамади.

АҚШда ОАВлар одамларни қийнаётган кичик, маиший муаммоларни умуман ёзмайди. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ, аслида.

Исмат ХУШЕВ, “Дунё ўзбеклари” интернет сайти (Канада) раҳбари:

— Бу каби расмий тадбирларда “Озодлик”, “Би-би-си” каби ахборот агентликлари вакилларининг ҳам иштирок этиши Ўзбекистон янгиланаётганидан, демократик тамойиллар ҳаётга кенг татбиқ этилаётганидан далолат, қани энди имконим бўлса эди, мен ҳам ораларингда бўлиб қолиб сизларнинг машғулотларингда қатнашсам. Форум ишига омад тилаган ҳолда, барчага чуқур саломимни йўллайман.

...Ҳа, деярли бир ҳафта давом этган Форум ўз ишини якунлар экан, унинг барча иштирокчиларида катта ҳаяжон, турли ҳудудлардан келган журналистлар бир-бирлари билан яқин қадрдонлар, ака-ука, опа-сингилдек бўлишга улгуришган эдилар. Анжуман ёпилиш онларида кимларнингдир кўзларида ёшлар, яна кимдир эса вилоятлар ўртасида бундай форумларнинг сонини кўпайтириш борасида фикр билдиришди. Шундан ҳам, форум уларнинг ижодий қобилияти, касбий маҳоратини ривожлантириш, ОАВ ўртасида доимий ҳамфикрлик билан ишлашга ундади. Хайр Чимён, раҳмат сенга Фарғона. Биз сени соғиниб қоламиз!

Ислом АСИЛБЕКОВ.

АКС-САДО

“ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР” экранга қайтадими?

“Hurriyat” газетасининг 2021 йил 3 февраль 5-сонида чоп этилган Шерзод Маҳмудовнинг: “Отамдан қол(ма)ган далалар!” мақоласини ўқиб...

Тоғай Мурод ҳақида гап кетганда, кўпинча ёзувчининг “Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман”, деган сўзлари ёдга тушади. Асарларини ўқиган, унда адибнинг юрак уришини, кечинмаларини кўра билганлар ёзувчининг ўз ваъдасини бажара олганини ҳис қилиши табиий ҳол.

Айрим китобни варақлаб-варақламай ҳукм ўқийдиганлар ёки “лупа” билан курмак изловчилар эса баланд овозда айтишга журъат қила олмайдиган иддаоларини пичирлашади. Тоғай Мурод яратган ҳайкаллар эса аллақачонлар пичинглардан баландда, адабиётнинг абадият бўстонида муносиб ўрнини эгаллаб бўлган. Буни англаш учун на адабиётшунослик илми, на дорилфунун дипломи керак, назаримда. Адибни англамоқ учун, шу халқнинг бир вакили сифатида, ҳеч бўлмаса битта асарини, мисол учун, “Отамдан қолган далалар”ни ўқиш, кифоя.

Аслида Тоғай Муроднинг ўқувчилар меҳрини қозонишига асосий омил бу — унинг ўз миллатини яхши кўргани бўлган десак, хато бўлмаса керак. Адиб шу элнинг гадосию амалдорини, ғарибу ғуробосини бирдек кўриб, ўзиники, қондоши, жигардоши деб билди. Барчасини ардоқлаб тилга олади. Яхши кўради. Шу меҳр тафти туфайли ҳам ёзувчининг асарлари китобхонни сеҳрлайди гўё.

Баъзан ўйлаб қоламан: Тоғай Мурод қандай юрак билан халқига ҳайкал қўйишдек катта ваъдани берди экан? Бу фикр, бу қатъий мақсад унда қачон пайдо бўлган? Жавобни эса адибнинг “Мен” номли ўзи ёзган таржимаи ҳолидан топгандек бўламан: *“Ана шу вақт қатағон авж олди. Ишдан ҳайда-ҳайда авж олди. Фирқадан ўчир-ўчир авж олди. Сур-сур авж олди. Ниҳоят... қама-қама авж олди. Ўзбек зиёлилари кишанбанд бўлди. Ўзбек зиёлилари маҳбус бўлди... Ана шунда полвонлик қоним қайнади!..*

— Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!

Мен ана шундай шаҳд билан оламжаҳон ғаним-ларим сари шайландим. Адабиёт институтида ўқиш учун йўл олдим. Барча ҳайрон бўлиб қолди. Боиси — мен эндигина уйланиб эдим.

— Саводнинг мазаси йўқ, Москвада ўқиб келмасак бўлмади, — дедим.

Дардим ўқиш бўлмади. Дардим прокуратуралар бўлди, дардим судлар бўлди”.

Қизиқ, бу қандай дард экан? Бу дарднинг отини ёзувчининг 1988 йил 29 январда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этилган интервьюсидан билиб оламиз: “Менми? Мен “Отамдан қолган далалар” деган бир асар дардида юрибман. Эҳтимол роман бўлар, эҳтимол қисса бўлар? Билмадим. Ишқилиб, кўнглимда борини тўкиб соламан”.

Гувоҳи бўламизки, Тоғай Мурод “Отамдан қолган далалар” романининг илк уруғи кўнглига тушганда халқига ҳайкал қўя олишини ҳис қилган. Чиндан ҳам, бу асар Деҳқонқул образида бутун бошли халқ қиёфаси, дарду ғурбати, ориятию номуси, мутеълигию букилмаслигини, қўйингки, инсон хулқ-атворини бор бўй-басти билан кўрсата олди. Шу боисдир китобхон уни қайта-қайта ўқиса-да, яна ўқигиси келади, асарнинг ҳеч оҳори тўкилмайди. Роман ўз муносиб баҳосини аллақачон олган бўлса-да, бундан кейин ҳам муштарийлар эътирофига сазовор бўлаверади.

Қолаверса, шу роман асосида суратга олинган фильм ҳам ўз даврида олқишларга муносиб кўрилганини санъатшунослар тасдиқлашади. Фильм таниқли режиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан суратга олинганди. Бу киноасар томошабин меҳру муҳаббатига сазовор бўлганини режиссёрнинг ўзи Тоғай Мурод ҳақидаги хотираларида шундай ёдга олади: *“Эсимда, Бухорода ўтказилган кино кунларида ҳаво 20 даража совуқ эди. Залда тумонат одам. Мен қалин кийиниб олган бўлсам-да, музлаб қолаётгандек бўлганимдан, совуқда ўн дақиқа ҳам ўтиролмадим. Ҳаттоки, кичкина болаларгача тўрт соатлик кинони охиригача кўрди, ҳеч ким залдан чиқиб кетмади. Бунга сабаб нима эди? Томошабинни қандай жозиба тўрт соатлик кинони кўришга мажбур этди? Ахир “Отамдан қолган далалар” фильми Америка киноларига ўхшаб детектив бўлмаса ёки Мексика сериалларига ўхшаб бир илмоқ билан томошабинни алдаб ўтирмаса… Йўқ! Томошабинни фильм охиригача ўтиришга мажбур этган сабаб — экранда аёвсиз, ҳаққоний ҳаёт кечмоқда эди”.*

Чиндан ҳам, яхши асардан яхши кинолар яралади. “Отамдан қолган далалар” фильми аминмизки, бугун ҳам томошабиннинг юрак уришини маромдан чиқариб юборишга қодир. Чунки унда бадиийлик жозибасиаро тирик тарих ҳақиқати яшайди. Халқ эса ҳамиша ҳақиқатга чанқоқ. Аммо...

Аммо фильм бир намойиш этилди-ю мана бир неча ўн йилдирки, қайта намойиш қилинмаяпти.

Кўплаб сара фильмларимизнинг арраланиб, қайчиланиб эфирга узатилганини кўрдик. Ҳатто “Ўтган кунлар”дай нодир асарнинг ҳам қирқилганига гувоҳ бўлдик. Шукрки, бу рўйхатнинг “оқарганига” ҳам, анча вақт бўлди. Юртимиздаги очиқлик сиёсатини жаҳон афкор оммаси-да эътироф этаяпти. Лекин негадир “Отамдан қолган далалар” экранга қайтмаётир...

Ахир, шахсан Президентимизнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлашлари туфайли тарихий кинолар яратишга бел боғланди. Бу йўналишда бир неча фильмлар суратга олинди ҳам. “Отамдан қолган далалар” яқин ўтмишимиз ҳақидаги бебаҳо асар эмасми?! Унга ҳануз муносиб эътибор қаратилмаётганини қандай тушуниш мумкин?

Шуҳрат Аббосовнинг биз юқорида тилга олган хотира-мақоласида яна шундай жумлалар бор: *“Отамдан қолган далалар” фильмининг давомийлиги тўрт соатни ташкил этади. Шундай қилиб, кино қўйилди. Томошабин шунақаям яхши қабул қилдики… қарсаклар, олқишлар зални тутди. Биз шу орада Тоғай Муродни йўқотиб қўйдик. Ахир, одатга кўра, премьерадан кейин зиёфат берилиши керак эди-да. Биз, фильм ижодкорлари бирга ўтиришиб, бир-биримизни табрикламоқчи эдик. Шу қидирамиз, Тоғай Мурод йўқ, бирдан ғойиб бўлиб қолибди.*

Қизиқ одам эди-да Тоғай Мурод! Унга “Отамдан қолган далалар” асарининг фильм варианти ёқдими йўқми, билолмадим. Тоғай бу дунёдан ўтиб кетди… Лекин бир нарсага хурсандман: у мени сўкмади, ҳа, сўкмади. Чунки раҳматлик шундай ҳалол, принципиал одам эдики… Биринчидан, Тоғай Мурод ўз асарини саҳнага, экранга қўйишларига ҳамиша ҳам рози бўлавермасди. Иккинчидан, унинг ижозатисиз асарини саҳнага олиб чиққан беписанд санъаткорларнинг танобини тортиб қўярди. Муқимий театрида шундай воқеа бўлган, деб эшитганман”.

Бу фикрлардан англашиладики, асар муаллифига ҳам фильм маъқул келган эди. Халқимиз ҳам бу кинофильм қайтишини истайди. Яқин ўтмишимиздаги турли сабаблар боис, таъқиқга учраган қанча кинолар экранга қайтди. Масалан, “Шайтанат” фильми ҳам қайтди. Энди навбат — “Отамдан қолган далалар”га бўлса, ажаб эмас!

Ситора ТОЖИДДИНОВА, журналист.

ЭЪЗОЗ

МЕҲНАТУ ЗАҲМАТ ЙЎЛИ

ёки таниқли олим, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ислом ЁҚУБОВ ҳақида муҳтасар сўз

Одамзоднинг табиати қизиқ. Баъзи одамлар билан деярли ҳар куни кўришишинг мумкин, лекин ўзаро муносабатларда улар билан оралиқда каттагина "масофа" сақланиб қолаверади. Айрим инсонлар билан эса илк танишувданоқ гўё минг йиллик қадрдондай бўлиб кетасан. Янглишмасам, ўтган асрнинг 90-йиллари эди, дастлабки учрашувданоқ Ислом Ёқубов кўнглимга яқин одамлардан бирига айланган. Ўша кезлари иккаламиз ҳам аспирант эдик. Фалсафа фанидан бирга дарсларга қатнаганмиз. Бир пайтда номзодлик минимумларини топширганмиз. Номзодлик минимуми нима эканини ҳозирги ёшларнинг аксари билмаса ҳам керак, ўша вақтлари ҳозирги малакавий имтиҳонлар шундай номланар эди. Бугунги кунда Ислом ака адабий жараёнда энг фаол адабиётшуносларимиздан. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

"Ўзбек романи тадрижи", "Миллий уйғониш даври ўзбек насри", "Бадиий матн ва эстетик талқин", "Бадиий-эстетик сўз сеҳри", "Муҳаммад Али ижодида тарихий жараён концепцияси ва лиро-романтик талқин", "Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси" сингари монографиялари, "Маънавият ва қадрият зарварақлари", "Адабий мерос ва миллий тафаккур", "Истеъдод ва маҳорат" каби рисолалари, 200 дан ортиқ илмий-таҳлилий мақолалари Ислом Ёқубов кўтарган илм хирмонининг кўлами каттагина экани исботидир. Табиийки, бундай салмоқли илмий ютуқларга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун, халқимиз таъбири билан айтганда, игна билан қудуқ қазиш – тунни тонгга улаб мутолаа қилиш, тафаккур юритиш, юзлаб китоблардан йиғилган материалларни саралаш, уларни тасниф ва таҳлил этиш, тадқиқот натижаларидан назарий умумлашмалар чиқариш талаб этилади. Ана шу мураккаб, "нўши бир бўлса ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг" (Огаҳий таъбири – Н.Ж.) йўлни сабот билан босиб ўта олган одамгина илмда бирор натижага эришади. Ислом Ёқубов буни уддалай олган илм кишисидир.

У адабиётшуносликка жадид адабиёти тадқиқотчиси сифатида кириб келди. Номзодлик диссертациясини Отажон Ҳошимнинг адабиётшунослик ва танқидчилик фаолияти бўйича ҳимоя қилди. Таҳлилий мақолалари билан илм аҳлининг эътиборига тушди, эътирофини қозонди. Бу борадаги илмий изланишлари натижаси "Отажон Ҳошимовнинг адабий-танқидий фаолияти" рисоласида акс этди.

Ислом Ёқубовнинг илмий тадқиқотлари қамрови кенг. У Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Замахшарий адабий-илмий меросидан Жалолиддин Румий асарларигача, Муҳаммад Ризо Огаҳий лирик шеърлари ва таржималаридан жадид адиблари ижодигача, Ҳамза ва Абдулла Қодирий насридан замондош адибларимиз ҳикоя ва романларигача, ундан бугунги ўзбек шеърияти муаммоларигача бўлган мавзуларда мақолалар ёзди. "Беруний асарларининг услуби ҳақида мулоҳазалар", "Аз-Замахшарийнинг олам ва одам ҳақидаги қарашлари", "Модерн ўзбек романчилигига Жалолиддин Румий меросининг таъсири тўғрисида айрим мулоҳазалар", "Огаҳий ижодида халқчиллик негизлари", "Огаҳий ва Кайковус", "Абдулла Қодирий ва ҳозирги ўзбек романи поэтикаси", "Сўнгги йиллар ҳикоячилигининг ўзига хос тамойиллари", "Ўзбек романининг илк сарчашмалари", "Ҳозирги ўзбек поэзиясида шаклий-услубий изланишлар" сингари мақолалари илмий муаммонинг қўйилиши ва ўзига хос ечими жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга.

Адабиётнинг назарий масалалари билан шуғулланмай туриб, нафақат етук мутахассис, ҳатто савияли адабиёт мухлиси бўлишнинг ҳам имкони йўқ. Шунинг учун бу соҳа вакили, албатта, назарий масалалар устида ҳам жиддий изланишлар олиб бориши шарт ва зарур. Адабиёт назариясининг муҳим масалаларига доир эътиборга молик мақолалар ёзгани Ислом Ёқубовнинг мутахассис сифатидаги салоҳиятига далил бўла олади. Олимнинг "Тарихий роман ва эстетик идеал", "Ҳозирги ўзбек романларида синкретизм", "Роман стилистикасида сажъ усули", "Романий тафаккур ва услуб жилоси", "Композицион параллелизм усули", "Структурал поэтика имкониятлари", "Бадиий ижод психологияси: кечинмадошлик" сингари мақолалари адабиётнинг назарий муаммоларига бағишлангани, таҳлилий қуввати билан алоҳида ажралиб туради.

Ислом Ёқубов адабий алоқалар йўналишида ҳам бир қанча тадқиқотлар эълон қилди. Бокудаги "Филология масалалари" журналида чоп этилган ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларига доир, Эрон элчихонаси муассислигидаги "Сино" журналида эълон қилинган "Рудакий меросининг умуминсоний моҳияти", Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий тўпламидаги "Чингиз Айтматов – ўзбек халқи учун азиз ва қадрли сиймо" сингари мақолалари ўзбек-озарбайжон, ўзбек-тожик, ўзбек-қирғиз адабиётларининг ўзаро алоқалари мавзусига бағишлангани билан қимматлидир.

Илм йўли меҳнату заҳмат йўли экани аён. Илмий фаолият кўламини бу тарзда кенг олмоқ учун муттасил изланиш, мунтазам фикрлаш, аниқланган факт ва маълумотларни тизимга солиш, илмий услубда ифодалай билиш, мақола, рисола ёки монографияга айлантириш талаб этилади. Ана шундай машаққатни зиммасига олган, илмий изланиш заҳматидан ҳаловат топган одамгина бу соҳада муайян натижага эришмоғи мумкин бўлади. Ислом Ёқубов ушбу катта масъулият талаб этадиган йўлнинг собитқадам йўлчиларидандир.

У кўп йиллар давомида "Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси" мавзуидаги докторлик диссертацияси устида илмий изланиш олиб борди. Роман жанрининг генетик илдизлари, тараққиёт тамойиллари, поэтикаси муаммоларига доир жиддий мақолалари унинг адабиётшунос сифатида юқори малакага эга эканини намоён этди. Натижада атоқли адабиётшунос олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев илмий маслаҳатчилигида 2018 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш аъзоси сифатида ушбу диссертация ҳимоясида иштирок этганман. Бу диссертация адабиётшуносликка қандай янгиликларни олиб кирди, қайси жиҳатлари билан аҳамиятли, деган саволлар туғилиши табиий. Биринчидан, Эркин Самандар, Наим Каримов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳожиакбар Шайхов, Нодир Норматов, Алишер Мирзо, Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон сингари замондош адиблар романлари назарий поэтика талаблари асосида тадқиқ қилинди. Иккинчидан, тадқиқотнинг бадиий синкретизм, семантик қатлам эсселашуви, жанр модификацияси, бадиийлик модуслари, эпик баён йўсинлари, образ янгиланиши тамойиллари каби назарий муаммолар аспектида олиб борилгани миллий анъаналар ва жаҳон романчилиги тажрибаларининг синтези юзасидан янгича илмий хулосаларга келиш имконини берди. Учинчидан, истиқлол даври ўзбек романларида реализмнинг янги имкониятлари бўй кўрсатаётгани, жанрлар мутацияси ва гибридлашув жараёни кечаётгани, метафорик тафаккур кенгайгани, поэтик метафорфозага эътибор кучаяётгани, гуманистик пафос теранлашаётгани сингари белгилар намоён бўлаётгани аниқлангани, ҳар бир поэтик ҳодисага асосли илмий баҳо берилгани адабиётшунослигимиз ютуғидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, диссертацияни ёзиш жараёнида Ислом Ёқубов аксар илм одамларида бўлгани каби тадқиқот объектига маҳлиё бўлиб қолмаган. Балки ўзбек романларини поэтика талаблари асосида текширар экан, улардаги бир қатор камчиликларни ҳам аниқлаган. Жумладан, олим Тўхтамурод Рустам ва Қамчибек Кенжа романларида баённчилик ва фикр такрорлари, натуралистик лавҳалар ҳамда китобхонни зериктирувчи мавҳумлик, Омон Мухтор ва Нурали Қобул асарларида образ нутқини индивидуаллаштиришда макон-замон аниқлигига етарли эътибор бермаслик, Абдуқаҳҳор Иброҳимов ва Улуғбек Ҳамдам романларида сюжет ва конфликт ривожида публицистик баённга берилиш, Саломат Вафо ва Зулфия Қуролбой қизи романларида эҳтиросли, пардасиз саҳналарнинг очиқ тасвирланиши, Луқмон Бўрихон асарларида ижтимоий муаммолар талқинида кескин конфликт етишмаслиги, Асад Дилмурод романларида тафсилотларга ортиқча берилиш, Илҳом Зойир ва Назар Эшонқул асарларида А.Камю ва Ф.Кафкага таассуб қилиш сингари камчиликлар кузатилишини ҳақли равишда кўрсатиб беради ва уларга холис илмий баҳо беради.

Дарҳақиқат, катта кўламдаги адабий материаллар чуқур илмий ўрганилгани, назарий муаммолар кесимида таҳлил этилиб, эътиборга молик умумлашмалар чиқарилгани Ислом Ёқубов докторлик диссертациясининг адабиётшунослик илми ривожига қўшилган муносиб ҳисса бўлгани исботидир.

Ислом Ёқубов нафақат олим, ҳурматга сазовор муаллим ҳамдир. У кўп йиллардан бери Урганч давлат университетида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида талаба ёшларга адабиёт ва адабиётшунослик сирларидан сабоқ бериб келади. Бугунги кунда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори сифатида адабиётшуносларнинг янги авлодини тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Олий таълим тизимида дарс бериш жараёнида у илмдаги энг сўнгги ютуқларни ўқув жараёнига олиб кириш, талабаларда илмга рағбат уйғотиш борасида ҳам тинимсиз меҳнат қиляпти. Университетлар ва педагогика институтлари талабалари учун "Ҳозирги адабий жараён" фанидан ўқув-қўлланма, "Илмий тадқиқот асослари" фанидан ҳамда умумтаълим мактабларининг ижтимоий-гуманитар ва табиий-математик йўналишлари 10-синф ўқитувчилари учун "Ўзбек адабиёти" фанидан услубий қўлланмалар муаллифи экани унинг ўқув жараёни сифатини ошириш, адабиёт таълимининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш борасида ҳам самарали хизмат қилаётганини кўрсатади.

Ислом Ёқубов таниқли олим ва катта тажрибали педагог бўлиш билан бирга оилабоши ва ота сифатида ҳам ҳурматга лойиқдир. Турмуш ўртоғи Тозагул Матёқубова – филология фанлари номзоди, доцент. "Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Айни кезда Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор кафедрасида ишлаб, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиб келаётир. Қизи – Севинчой Ёқубова таянч докторант. Талабаликда Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган Севинчой ҳозирда "Жадид шеъриятида поэтик рамз ва тимсоллар талқини" мавзуида илмий тадқиқот олиб боряпти. Бир сўз билан айтганда, ушбу филологлар оиласи адабиётшунослик соҳасининг турли йўналишларида илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Қарийб уч йилдан буён Ислом ака билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиётшунослик ва адабий танқид кенгашида ҳам бирга фаолият юритиб келяпмиз. Шу жараёнда унинг зиммасига юклатилган ҳар қандай вазифага катта масъулият билан қараши ва аъло даражада уддалашига бевосита гувоҳ бўлдим. Улуғ шоиру адибларимиз, адабиётшуносларимиз юбилей саналари билан боғлиқ учрашувлар-у адабий тадбирлар бўладими, адабий ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган китоблар тақдимотида нутқ сўзлашга тўғри келадими, янги асарлар қўлёзмаларига тақриз ёзиш топшириладими – барча-барчасида зукко олимга бемалол ишониш мумкин.

Ислом ака – самимий, хайрихоҳ, ўзгаларнинг ютуғидан қувона биладиган олижаноб инсон. Шу пайтгача бирорта ҳам касбдошимизнинг у киши ҳақида ёмон гап айтганини ёки ундан хафа бўлганини эслай олмайман.

Устоз Абдулла Ориповнинг ҳаёт фалсафаси теран ифодаланган мана бу машҳур сатрларини билмаганлар кам бўлса керак:

Бахтиёр ҳар дилга
ошно топилгай,
Ғуссали дилга-чи,
лекин йўқ ҳамдам.
Дўстлар эшиги ҳам
тақ-тақ ёпилгай
Ғуссали дил у ён
гар қўйса қадам.

Кўп йиллардан буён яхши билганим учун ишонч билан айта оламанки, Ислом Ёқубов устозларию дўстларига оқибатни вақтинчалик кўрсатадиганлар тоифасидан эмас. Унинг устозларига, дўсту биродарларига садоқати кўпчиликка ўрнак бўларлидир. Садоқат ва оқибатни ҳаётий аъмол даражасига кўтарган ана шундай инсонларнинг борлиги, бунинг устига, у сенинг қадрдонларингдан экани нақадар қувонарли ҳол! Бундай таҳсинга лойиқ фазилатларни мужассам этган одамлар сафи тобора камайиб бораётгани уларнинг қадри нечоғли баланд эканидан дарак беради.

Айни ёшлик кезларимизда танишганимиз, илмдаги ҳар бир ютуғига бевосита гувоҳ бўлганим учунми, Ислом ака кўзимга анчайин ёш кўринар экан. Шу кунларда 60 ёшга тўлишини эшитиб, рости ишонгим келмади. Аслида, олтмиш ёш олим учун умрнинг айни навқирон палласи ҳисобланади. Энг муҳими, у олтмиш ёшга кўпчилик ҳавас қиладиган даражадаги катта илмий натижалар билан пешвоз келди.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган давлат гранти "Инсон манфаати — тараққиёт пойдевори" лойиҳаси асосида чоп этилмоқда. (С/14)

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

МЕРКЕЛНИНГ ГОРБАЧЕВГА ТАБРИКНОМАСИ

Германия канцлери Ангела Меркел собиқ Совет Иттифоқининг собиқ президенти Михаил Горбачёвни 90 ёши билан табриклаб, унинг Совуқ урушнинг тугаши ва Германиянинг бирлашишига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

"Ҳурматли жаноб Президент, сизни 90 ёшингиз билан чин қалбимдан табриклайман, мен сизга ушбу тантанали кунингизда Совуқ урушни тинч йўл билан енгишда, шунингдек, Германия бирлигига эришишдаги шахсий иштирокингиз учун яна бир бор миннатдорчилик билдирмоқчиман", — деди Меркел. Унинг таъкидлашича, Горбачёвнинг Германияни тинч йўл билан бирлаштиришга қўшган ҳиссаси, шунингдек, Россия ва Германия ўртасида дўстона муносабатларни ўрнатиш бўйича олиб борилган ишлари ҳам унутилмайди.

Горбачёв Совет Иттифоқига 1985 йилдан 1991 йилгача КПСС Марказий Қўмитасининг Бош котиби, сўнгра СССР Президенти сифатида раҳбарлик қилди. 1991 йил декабрда Беловежская шартномалари имзолангандан сўнг, у президентлик муддати тугаганлигини эълон қилди. Истеъфодан кейин Горбачёв Халқаро ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар жамғармасини (Горбачев-Фонд), Халқаро Яшил Хоч, Янгича Сиёсат Форумини ташкил этди. У Тинчлик бўйича Нобель мукофоти совриндори бўлган.

УКРАИНАНИНГ СОБИҚ БОШ ПРОКУРОРИ
ЭНДИ ТЕЛЕКАНАЛДА ТОК-ШОУ БОШЛОВЧИСИ

Украинанинг собиқ бош прокурори ва ички ишлар вазири Юрий Луценко Украинанинг собиқ президенти Пётр Порошенкога тегишли "Бешинчи канал"да сиёсий ток-шоуни олиб боради.

"Юрий Луценко билан тўғридан-тўғри матн" деб номланган дастур "воқеалар ривожини башорат қилиш, расмийлар хатоларини таҳлил қилиш ва Украина муаммоларига муқобил ечим таклиф қилиш"га бағишланади.

"Мен сукут сақламоқчи эмасман ва истамайман ҳам! Оддий матнда гаплашаман!" — деди собиқ бош прокурор реклама-эълонда. Ток-шоунинг биринчи дастури шу йил 11 март куни эфирга узатилади.

Юрий Луценко 2016 йилдан 2019 йилгача Украина Бош прокурори бўлиб ишлаган. У — 2005-2006 ва 2007-2010 йилларда икки марта мамлакат ички ишлар вазири ҳам бўлган.

ФРАНЦИЯНИНГ СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТИ СУДЛАНМОҚДА

Париждаги суд Франциянинг собиқ президенти Николя Саркозини коррупция ва савдо ишида таъсир ўтказиш бўйича айбдор деб топди. Замонавий Франция тарихида биринчи марта собиқ президент коррупцияда айбланиб суд қилинмоқда. 2011 йилда Саркозининг салафи Жак Ширак ўзлаштирганлиги ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлиги учун икки йиллик синов муддатига ҳукм этилганди.

Саркозининг суд жараёни 2020 йил ноябрь ойи охирида бошланган. 66 ёшли сиёсатчи билан биргаликда унинг адвокати Тйерри Эрзог ва Кассация судининг собиқ юқори лавозимли ходими Гилберт Азиберт ушбу ишда қатнашган.

Январь ойи ўрталарида Франция миллий молия прокуратураси Саркозига қарши яна бир иш очгани маълум бўлди. Собиқ президент Россиянинг "РЕСО-Гарантия" суғурта компанияси манфаатларини ноқонуний равишда бузганликда гумон қилинмоқда, у билан Саркози 3 миллион еврога шартнома имзолаган.

Энди унга қарши яна бир иш — Ливия раҳбари Муаммар Қаддафийдан ноқонуний маблағ олиш бўйича тергов олиб борилмоқда.

FACEBOOKНИНГ НЕМИС ОАВ БИЛАН ШАРТНОМАСИ

"Facebook" Германиянинг йирик оммавий ахборот воситалари билан янгиликлар учун пул тўлаш бўйича шартнома имзолади.

Ижтимоий тармоқнинг шериклари "Die Zeit", "Der Spiegel", "Frankfurter Allgemeine Zeitung", "Tagesspiegel", "Rheinische Post" ва бошқа қатор миллий ва минтақавий нашрлардир. Компания веб-сайтида таъкидланганидек, "Facebook News" 2021 йил май ойида иш бошлайди.

"Facebook News" пухта ишлаб чиқилган ва мослаштирилган янгиликларнинг аралашмасини тақдим этади. Платформа одамларга маълумотли, ишончли ва долзарб хабарларни етказади. Кунниг асосий мавзулари ва янгиликларидан ташқари, ўқувчилар ўзларининг шахсий манфаатларига мос журналистик матнлардан фойдаланишлари мумкин", — дейилади компания хабарида.

Таъкидлаш жоизки, "Facebook" аллақачон америкалик ва британиялик ноширлар билан бундай шартномаларни имзолаган ва француз оммавий ахборот воситалари билан музокаралар олиб бормоқда.

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ
БУ ТЎРДА ЎЗБЕКЛАР ҲАМ БОР ЭДИ...МИ?

Россия Бош прокуратурасининг илтимосига биноан Литвадан ноқонуний мигрантларни Россияга олиб бориш билан шуғулланган Асқар Қутбитдиновни экстрадиция қилди.

Тергов маълумотларига кўра, 2016-2017 йилларда айблануви Қозоғистонда бўлган, Ўзбекистон ва Тожикистон фуқароларини Қозоғистоннинг Россия билан чегараси орқали олиб ўтиш учун ноқонуний жиноий гуруҳ ташкил қилган. Бироқ ноқонуний мухожирлар Россияда ишлашга улгурмасдан Россия чегара хизмати ходимлари томонидан Курган ва Тюмен вилоятларида ушланган.

2020 йил март ойида у халқаро қидирувга берилган. Ўша йилнинг октябрь ойида Истанбулдан учиб келган Қутбитдинов Вильнюс халқаро аэропортида ҳибсга олинган.

УИНСТОН ЧЕРЧИЛЛ ЧИЗГАН СУРАТ РЕКОРД СУММАГА СОТИЛДИ

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Уинстон Черчиллнинг "Кутубия масжиди минораси" картинаси рекорд даражадаги 8,2 миллион фунт стерлинг(11,6 миллион доллар)га сотилди. Расм америкалик актриса Анжелина Жоули томонидан кимошди савдосига қўйилганлиги айтилган.

Харидорнинг исми номаълум. Дастлаб, 1,5-2,5 миллион фунт стерлинг (2-3,4 миллион доллар)га баҳоланган.

"Кутубия масжидининг минораси" Черчилл томонидан чизилган ва 1943 йилда АҚШнинг собиқ президенти Франклин Рузвелтга совға қилинган. Сурат Ф.Рузвелтнинг ўғлига мерос бўлиб қолган. Кейинчалик, асарга бошқа шахслар эгалик қилган. 2011 йилда Жоули оиласи томонидан сотиб олинган.

Бу Иккинчи жаҳон уруши пайтида Черчилл томонидан чизилган ягона расм. Унда XII асрда қурилган Марокконинг Марокаш масжиди устида қуёш ботиши тасвирланган. Тахминларга кўра, Буюк Британия бош вазири бу расмни 1943 йилда Касабланка конференциясидан кейин чизган.

Интернет тармоғи хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

Бетига урсанг бети қотади

Таълим-тарбия — инсон зийнати. Шундай экан, фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш ҳар бир ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Бола то вояга етгунча, менлигини таниб, ўзини англагунча, ўрни келганда, чиройли хулқини мақтаб, ака-укасига, опа-сингилисига меҳрибонлигини, ота-онаси хизматида бўлишга шайлигини кўриб, албатта, уни рағбатлантириб турилиши фойдадан холи бўлмайди. Аммо...

Аммо рағбатлантириш, мақтов ҳам меъёрида бўлгани яхши. “Шакарнинг ози ширин”, деганларидек ҳаддан ортиқ эркалаш ҳам бола хулқида салбий ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Афсуски, бунга ҳамма ота-оналар ҳам бирдек амал қилавермайди. Баъзилар: “Болани калтаклаб туриш тарбияда қўл келади”, деса, баъзи бирлари: “Болани бетига урсанг бети қотади”, деганларидек, ҳадеб калтаклаш болани қаҳрли қилиб қўяди”, дейди.

Яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган устоз Зуҳра Толибова ва ўқувчи Акмал Қодировлар ўртасидаги муносабат тасвирланган лавҳани кўриб қолдим. Ўқувчининг ўзбошимчалиги, дарсни тингламасдан, синфхонанинг уёғидан-буёғига бориб келиши, синфдошларига халақит бериши, табиийки, устозга ёқмаган. Аммо баджаҳл устоз вазиятни юмшатиш ўрнига куч ишлатибди. Яъни, болани калтаклабди.

— Мен ўқитувчилик фаолиятим давомида бундай ҳолатларга кўп бор дуч келганман, — дейди Наргиза Собирова. — Менимча, болани тартибга чақиришда, унга дарс давомида билим беришда “уриш” методикаси хато, деб ўйлайман. Сабаби, биргина ҳаракат сабаб ўқувчини фандан узоқлаштириб қўйиши мумкин. Бунинг ўрнига қизиқарли усуллардан фойдаланиш жоиз. Бундан ташқари, синфхонани фанга доир расмлар билан жиҳозлаб безаб қўйсак, дарсни замонавий методик асосда олиб борсак бу яхши самара беради.

Дунё тажрибасидан маълумки, айрим хорижий таълим ўчоқларида дарслар асосан табиат қўйнида ўтилади. Ўқувчига дарс жараёнида маълум эркинликлар берилади. Уларнинг фикрича, дарсни мунтазам равишда синфхонада ўтиш ўқувчини бездириб қўяди. Ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини сўндиради.

Мактабларда ёши улуғ мураббийларнинг устозлик қилиши самарали, аммо ёшларга ҳам ишониш керак. Уларни кенг қамровда мактабга жалб этиш ундан-да яхши самара беришига шубҳа йўқ. Сабаби, инсон ёши улғайиб боргач насиҳатгўй бўлиб қолади. Ҳамма замонларда ҳам “ақл”ли гаплар ёшларга ёқмаган. Бу билан устоз-педагогларнинг тажрибасини, илмий салоҳиятини камситмоқчи эмасмиз, уларнинг сабоғини олиш ёш ўқитувчиларга ҳам асқотади. Шу билан бирга, ёш мутахассислар ҳаракатдаги, жонли, дарс соатларини жўшқин ва болаларбоп қизиқарли қилиб ўта олади, демоқчимиз. Энг муҳими, ёш кадрларда кутилмаган янгиликлар, ғоялар тез-тез юзага қалқиб чиқади. Чунки ҳаётдан ортда қолиб кетмасликлари учун ҳам улар доимо фикрлаш, мулоҳаза қилиш билан банд бўлишади.

Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ.

ТАРБИЯ

Қўшиқчилик санъатида рўй бераётган енгил-елпи, саёз, бачкана хиргойилар (чунки уларни қўшиқ, деб бўлмайди) ҳақида гапиравериб, ёзавериб қаламлар чарчади. Агар қаламга тил битганда эди, у: “Бўлди-да, нима қиласиз, шу бачканаликни ёзавериб. Минғир-минғирлар жонга тегди-ку! Улар одамга ўхшаб хулоса чиқарсалар бошқа гап. Тошга танбур чертишдан нима фойда?” — деган бўларди алам билан.

ҲУШТАК ҚАЧОН ЧАЛИНАДИ?



Қалам ҳақ. Ҳозир тингловчи бундай ҳашаки хиргойиларга кўникди. Тақлид йўли билан ижро этилаётган минғир-минғирларни танқид қилиш ортиқча. Чунки улар танқиддан анча паст. Пул бўлса хиргойининг нархи баланд...

Ҳозир томошабинни айрим қўшиқларга ишланаётган беҳаё клиплар кўпроқ ташвишга солаётир. Уларнинг уятсиз, бачкана қилиқларини кўриб, наҳотки шулар ўзбек қизлари бўлса, деб ёқа ушлайсиз ёки кўзларингизни четга буриб яширасиз. У қиз бола бўлиб уялмайди, сиз клипни томоша қилиб уяласиз, баъзан клипдаги беҳаё қилиқларни, шаҳвоний кўз сузишларни кўриб, юз-кўзингизни совунлаб ювгингиз келади. Баъзан ҳой қизлар, эс-ҳушингизни йиғинг, уч-тўрт дақиқалик клип учун ўзингизни бозорга солманг деб ҳайқиргинг келади. Ахир уларнинг ҳам ота-оналари, бобо-бувилари бордир? Улар гапириб, танбеҳ берар, деб таскин топасиз. Агар уларнинг ўзлари рухсат берган бўлсалар-чи? Унда иш расво! Тавба қилишдан бошқа илож йўқ!..

Лекин бу ўткинчи кунларни деб, ҳамма нарсани пул ҳал қилади, деб ўзингизни хор қилманг, тубан кетманг, деб сизни огоҳлантирмоқчимиз. Хиргойи ва беҳаё клип билан ҳеч бир қўшиқчи узоққа боролмайди. Бундай ўткинчи нарсаларни эфирга бераётган телеканаллар ходимлари жиғилдони аллақачон “пул завод”га айланган бўлса керак. “Пул ўлсин-о, пул ўлсин” қўшиғини улар учун қайта-қайта куйлашларини қўшиқчилардан қайта-қайта сўраб қолардик...

Ҳуштак чалиш кўпроқ болалар, ўсмирларга хос бўлган қизиқарли машғулот. Лекин ҳуштак чалиш қанчалар мароқли бўлмасин, уни қаерда, қачон чалишни билиш керак. Бўлар-бўлмасга, жамоат жойларида, катталар даврасида, тўй-маъракаларда, маърифий-маданий учрашувларда, ҳуштак чалиш асло одобдан эмас.

Баъзи болалар ўртоқларининг номларини айтиш ўрнига ҳуштак чалиб чақирадилар. Бу яхши эмас. Айримлар эса танаффусларда қулоқни қоматга келтириб, гуруҳ бўлиб ҳуштак чаладилар. Аслида бу шовқин нимага ва кимга керак? Бошқа бир ҳуштакбозлар мактабда бирор-бир сана муносабати билан залда ёки синф хонасида йиғилганларнинг асабларига тегадилар. Улар гўё мусобақа ўйнаётгандек, бир-бирларидан ўтказиб, баланд овозларда ҳуштакка эрк берадилар.

Зал ҳуштакбозликка тўлиб-тошади. Ҳеч нарсани эшитиб бўлмайди. Бу ҳолни яхши одат деб ҳисоблайдиганлар катта хато қиладилар.

Ҳуштак, асосан, мактаблар ўртасида бўладиган спорт ўйинларида, масалан: теннис, бокс, футбол, волейбол сингари спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар жараёнида ўз жамоасини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуштак чалиш мумкиндир. Бунда чидаса бўлади. Шунда ҳам баланд овозда эмас, балки меъёрида чалинган ҳуштак мусобақа қатнашчиларини ғалабага руҳлантиради.

Шунингдек, дарслардан ташқари пайтларда, далаларда мол-қўйларини боқаётган, боғлар ва томорқа юмушларида ўз хоҳишлари билан ота-оналарига ёрдам бераётган ёш дўстларимиз зерикмасликлари учун бемалол ҳуштак чалиб ёки ҳуштакка бирор куйни хиргойи қилиб ишласалар, бундан кайфиятлари кўтарилади...

Энди баъзан қизларнинг ҳуштак чалаётганига нима дейсиз? Бир ўқитувчи синфларда ўғил болалардан кўра, ҳуштак чаладиган қизларнинг кўпайиб бораётганини ташвишланиб гапирди. Агар мақолани ўқиган қиз болалардан бири: “нега унда хонандалар Зиёда Қобулова билан Гулсанам Мамазоитова ҳуштак чалиб қўшиқ айтадилар” деб савол берса, бу савол ўринли бўларди. Негаки, ҳуштак чалиб юриш умуман миллатимиз менталитетига асло тўғри келмайди. Ўзини ўзбекман, деб ҳисоблаган одамга мутлақо ярашмайдиган салбий одат. Жамоат жойларида, кўпчилик ўртасида ҳуштак чалиш ҳам гуноҳ ҳисобланади. Биз таниқли хонандаларимизга ана шу фикрларни яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз, холос.

Яна бир муаммо: баъзан бошқа уйлар, мавзеларда турадиган болалар қўшни ҳовлилар, мавзелар атрофига ўрнатилган ўриндиқларга ўтириб, ярим тунгача бақир-чақир қилганлари етмагандек, одамларнинг ҳуштак чалиб уйқуларини бузишларига нима дейсиз? Буниси энди ортиқча эмасми?

Болалигимизда “Ҳуштак чалма, уйга ўғри тушади”, деб ўргатишар эди. Биз ўғридан қўрққанимиз учун ҳам зинҳор ҳуштак чалмасдик. Аслида бу иборанинг замирида ҳам одоб-ахлоқ ётганлигини кейин тушунганмиз. Ҳақиқатан уйда, катталар, ота-оналар даврасида чуриллатиб ҳуштак чалиб юрганлар одоб кўчасидан ўтмаган ва тарбия кўрмаган ҳисобланади.

Шундай экан, ашаддий ҳуштакбозлар ва айрим ҳуштак чалиб қўшиқ куйлаётган хонанда сингилларимиздан ҳар жойда “чур-чур”лаб юрмасликларини, атрофдагиларнинг асабларини бузмасликларини ва энг муҳими ҳуштак чалиш одобини ўрганиб олишларини истардик.

Билиб қўйинг, қачон, қаерда ва меъёрида ҳуштак чала билиш ҳам тарбия ҳисобланади. Иложи бўлса, асаббузар ва беъмани қўшиқ ва унда чалинадиган ҳуштакдан йироқ бўлинг.

Ашурали ЖЎРАЕВ.

ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР

Қизиқ, нега одамлар бир-бири билан кўришганда гапни “деди-деди”дан ёки “ана у унақа, мана бу бунақа”, дейишдан бошлайди. Наҳотки улар бир-бирининг аҳволини билиш, дардини тинглаш, камини ёки топганини савобли ишларга сарфлаётгани ҳақида гурунг қилишмаса... Бундан ташқари, маънавий масалалар, адабий суҳбатлар ҳам жон озиғи-ку...

Дунёни ПИЧИРЛАШ ВАЙРОН ҚИЛАДИ

Бир куни ишдан тўғри уйга келдим. Эшикдан кирганим, уст-бошимни ечганимни биламан:

— Вой, эшитдингизми? Пастки қаватдаги қўшнимиз бор-ку, ана ўша бизнинг ўғлимизни ёмонлабди, ўла қолсин, ўзининг боласи обод бўлса ҳам эди, — деб қолди хотиним.

Ўзи кейинги пайтлар шу муаммо — одамларнинг бир-бирини ғийбат қилиши бошимни қотираётган эди. Нима деб жавоб беришни билмадим.

Кечки таомни еб, компьютернинг ёнига чўкдим. Янги саҳифа очиб, ғийбат ва унинг ёмон оқибатлари тўғрисида билганимча ёза бошладим. Охирига етмадим, жуда чуқур мавзу экан. Уйқу “босди”...

Ерталаб ишга борсам “меҳрибон” ҳамкасбим суюнчи олди: “Ҳай, тўхтанг, эшитдингизми, ёнингиздаги хонада ўтирган ходим бошлиққа сиз ҳақингизда роса мағзава тўкибди-я! Ишга кеч келади, масъулияти йўқ, топшириқларни қўл учида бажаради деганмиш. Жим юравермай сиз ҳам “ответ” қилмасангиз, раҳбар ёмон кўриб қолади, тамом, мазангиз қочади. Сиз ҳам киринг, унинг қанча айби бор, ҳеч бўлмаса тўрт-бештасини айтинг”, деб маслаҳат берди. Яна қўшиб қўйди: “Сизни ҳурмат қилганимдан, яқин олганимдан, куюнганимдан айтяпман, тағин бошқача тушунманг, хўпми? Бошқа одам бўлса сира айтмасдим”.

Аввалига оғзим очилиб, унга қараб қолдим. Қани миямга бир фикр келса. Аммо кечаги ёзмоқчи бўлганим — ғийбат ҳақидаги мақолага мавзу топилгандай бўлди...

Аслида бу кўпчиликка таниш гап, яширмайман, баъзан ўзим ҳам ҳамсуҳбатимни ранжитмай деб беихтиёр ғийбатига қўшилиб қоламан. Сизда ҳам шундай бўлса ажабмас. Унда келинг, ғийбатчилар ҳақида эмас, ғийбат ва унинг инсонларга таъсири ҳақида фикрлашсак, менимча шу манфаатли бўлади.

Муқаддас Қуръони Каримнинг “Ҳужурот” сураси 12-оятида: “Бир-бирингизни ғийбат қилманг”, дейилган.

Шундан бўлса керак Шайх Саъдий дейди: “Мен кечалари доим зикрда, ибодатда бўлар эдим. Кўп Қуръонга машғул эдим. Кечалари ибодат қилмай ухлаб ётганларни кўриб, отамга:

— Эй отажон булар ҳам ухлаб ётавермай ибодатга машғул бўлсалар яхши бўлар эди, — дедим. Шунда отам:

— Эй “отасининг жони” болам, сен ҳам буларни ғийбат қилганингдан кўра, ухлаганинг яхши эди, — дедилар”.

Ана холос, шу жумлаларни ўқидиму бирор инсоннинг бир куни ғийбатсиз ўтармикин, деб ўйлаб қолдим. Хожа самандар Термизий бобомиз эса: “Азизим, жоҳил ва ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч, оқил ва комил кишилар суҳбатига интилгинки, фисқу-фужур аҳлининг суҳбати барчага зиён келтирувчи илон суҳбатига ўхшайди. Ақлли кишиларнинг хизматини қилишнинг фойдаси атторнинг дўкони фойдасига ўхшайдики, атторнинг дўкони ўзгалар либосини муаттар қилади!” — дейди.

Очиғи, мушоҳада қилинса, бугун одамларнинг энг қимматли вақтини ўғирлаётган, илмдан чалғитаётган, интилишига ва хайрли ишларига тўсиқ бўлаётган ғийбат иллати нафақат одамлар ўртасига, ҳатто давлатлар ўртасига ҳам нифоқ солаётганига гувоҳ бўласиз. Сурия, Ливан, Теҳрон атрофидаги ғавғолар ёки кутилмаганда Европада кенг муҳокама бўлаётган “Шимолий поток-2” машмашаси АҚШни ҳам чўлғаб олди. Балки Томас Элиот: “Дунёни портлашлар эмас, пичирлашишлар вайрон қилади”, деганида ҳақ гапни айтгандир.

Ҳа, бу ғийбат дарахтининг томири анча ёйилиб кетган шекилли, дунёни вайрон қиладиган даражада қуввати борга ўхшайди.

Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ғийбатга шундай таъриф берилган:

“Ғийбат деб бир кишининг камчилик ва қусурини орқасидан сўйламакка айтилур. Ғийбатни сўйламак ҳаром ўлдиғи каби эшитмак ҳам ҳаромдир. Киши ўз нафсиға лаззат умиди ила бировни ғийбат қилуб, этини чайнамак гуноҳ ҳам инсоният номина ярашмаган энг ёмон ахлоқи замималардандур.

Инсон бошқа гуноҳларини нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бир бошқа кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки сўз бориб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ғазаб қони ҳаракатга кирар. Ғийбатчидан ўч олмак фурсатини пойлар. Шул тариқа ғийбатдан туғилган адоват чўзилмоқға оид бўлуб, душманлик зўраюб ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурғон миллий ишлардан маҳрум бўлмаклари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқолувига сабаб бўлурлар.

Алҳосил қайси бир миллатнинг орасида бирлик кўтарилуб, нифоқ ва адоват ҳукм сурган бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзланганлиги тарих саҳифаларидан маълумдур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Ғийбатдан сақланингиз, ғийбат зинодан ҳам ёмонроқдур”, демишлар.

Афсуски шундай бўлса-да, бу иллат ёқамизга шу қадар ёпишиб олганки, ундан воз кечиш учун нима қилишни билмай қолдик.

“Радиода Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокированинг кўзи ожиз ўқитувчи қиз билан суҳбатини тингладим”, деб ёзади, таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев “Ҳаёт сабоқлари” мақоласида. Ва ўша суҳбатдан парча келтиради: “Анчадан бери бу қадар ҳаяжонли, айни пайтда самимий, қалб қароғига етиб борадиган бундай мулоқотга гувоҳ бўлмаган эдим. Ўқитувчи қиз шундай деди: “Бордию мўъжиза содир бўлиб, ҳаётимни қайтадан бошлаш мумкин бўлса ва менда икки йўлдан бирини танлаш имкони юзага келса, биринчиси — кўзинг очилади, бу ёруғ оламни кўрасан, аммо ҳаётинг азоб-уқубат, фитна-фасод, иғвою ғийбат ичида ўтади, иккинчиси — кўзинг ожизлигича қолади, аммо бахт, омад оғушида яшайсан, садоқатли дўстларинг атрофингда бўлади, умринг хотиржамликда кечади”, десалар, ҳеч иккиланмай иккинчи йўлни танлаган бўлар эдим”.

Бу гапдан наинки тингловчилар, радио тўлқинлари ҳам титраб кетган бўлсалар ажаб эмас.

Ҳа, фитна-фасод, иғвою ғийбат соғлом фикрли кишига сира ёқмайди. Уларни ёмон кишилар тарқатади. Шунинг учун Паҳлавон Маҳмуд бобомиз:

Ёмон билан улфат бўлма, юр йироқ,
Йўлингга дон сочиб қўяди тузоқ.
Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан
Ўқ ундан қанчалик қочганига боқ. —

дея бежиз огоҳлантирмайди. Аммо қанча-қанча огоҳлантиришларга қарамай яна ғийбат қилаётганларга қарата уларга Тангрининг ўзи инсоф берсин, дейишдан ўзга чора қолмайди.

Шухрат РЎЗИЕВ,
журналист.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Кўнглим ўйнаяпти капалак бўлиб

Муаллиф ҳақида:
Наргиза ОДИНАЕВА — 1988 йили Қумқўрғон туманида туғилган.
“Йўлдаги мактублар”, “Тўрт томон” номли шеърий тўпламлари нашрдан чиққан. Шеърлари “Кенглик оҳанглари”, “Теран илдизлар” каби қатор республика баёзларига киритилган.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти.

Наргиза ОДИНАЕВА

ТУН

Этакда бир ўзи турибди, ана,
Нурсиз милтираган кимнинг чироғи.
Мени ҳаяжонга солади яна
Шамолнинг қўшиғи, терак титроғи.

Замин жим ухлайди, тушига кирган
Оқ отли шаҳзода қайтар изига.
Кўйлаги идраган юрагим билан
Ким бўлиб кўринсам унинг кўзига.

Қайда ўтирибди тоғ ошган олам,
Бунда қолган фақат садо бергани:
Бойқуш-карвонидан адашган одам,
Чигиртка – кечанинг чақалоқлари.

Барибир, нимадир кам, бирибир, надир кам,
Тўкис бўлолмайди аввал, на охир.
Кўзларимни юмиб, уфққа тикилсам,
Бунда ҳеч нарса йўқ ҳаводан оғир.

Шомнинг сукутида кафтларим зада,
Жоним келаяпти кўзимга тўлиб.
Ҳаммаси ўзгарди, энди оловда
Кўнглим ўйнаяпти капалак бўлиб.

Қаерда тўхтайди ёлғоннинг забти,
Оғримай яшашга яна нима шарт?
Ҳозир тўлаётган ойда юрибди
Ернинг юрагидан оёқлаган дард.

Бугун кўчаларга қараб ўйлайман,
Қачон баҳор эди, қачон куз эди?
Дунё айбламасин, эртак билмайман,
Мурод – лабингдаги битта сўз эди.

Борлиқ ўсаверсин бўйи-энига,
Оқ-қора кунларга, мана, кўксим – ринг.
Фақат... бўйларингни соғинсам, нега
Чўкиб борар сенинг ҳар баҳор қабринг?

* * *

Тўлқинлаб ўйнайди шамоллар – бебош,
Нафаси энтикиб қўяр дарчанинг.
Бошини куйдириб ўтади қуёш
Ислари эскириб кетган арчанинг.

Туш кўрган тоғларнинг кўйлаги ғижим,
Замин чайқалади – қўлнинг ояси.
Йўлнинг этагидан узоқлашар жим
Одамга ўхшаган дарахт сояси.

Бахт таъмини билар, тонг ҳавосида
Хамирдан бошоқни сўриган чумчуқ.
Ёшини беркитиб кун орқасида,
Умримнинг лабига тошади учуқ.

Яшашга куч қидир... йиғлашга улгур...
Майда ташвишларим ёпишди қўлга.
Бугун бекатидан кетиб қолмай тур,
Бироз кечикиброқ чиққанман йўлга.

* * *

Дарахтлар қоровул қишнинг йўлида,
Армонли қўшиқдай эланади қор.
Онамнинг қабарган озғин қўлида
Менинг юрагимнинг ажинлари бор.

Осмоннинг ортида тупроқ ҳовури,
Оқсоқол кунларни тунга чорийди.
Қаршимда туғилган йўқлик шивири
Қаҳратон ҳавога жонни қорийди.

Ўртанган баҳор бор умр бўйнида,
Ўлчовли саноқда айланади Ер.
Онам қаримасин қишнинг қўйнида,
Художон, ялдонинг тонгларини бер!

Сўнгсиз соғинчларга кўмилиб қолдим,
Январь, кунларингни зиёрат эта.
Ўзимни тортишга эриниб қолдим,
Нега бунча эрта, бунчалар эрта?

“Сим-сим эшиги”дек “муродим” чаман,
Пойига тўкилсам, кунлар кибриё.
Жон тўзғат... барига чидаб бераман,
Бир кўнглимга оёқ ботирма, дунё.

* * *

Қайтариб бўлмайди оғиздагини,
Мен ширин деб айтган сувлар шўр эди.
Бир жунун ўзини қайдан топади,
Суяк ичидаги илик қуриди.

Умр қаерларда беради нишон,
Кимни соғинамиз уфққа қараб биз.
Кетиб бораяпмиз бўшлиқлар томон
Ёнган гугуртчўпдай тугаб-тугаб биз.

Момом дуо қилди какликдек сайраб,
Қолган айтимини шамолга илди.
Тўрт фасли куз бўлган боғларга қараб,
Менинг ҳам елкамдан тутлар тўкилди.

Тарози ўлчайди нима билан у,
Кўринмай савдолар кўринмас бозор.
Қўллари қорайиб кетган бойлару
Яна тиши бутун тиланчилар бор.

Нега ҳамма таъмга қоришади туз,
Нега ўйин тусмол, рақам алдамчи?
Келолмадим битта қарорга ҳануз,
Баҳор деёлмайман баҳорнинг ичи.

Гарчи олисларда қолди болалик,
Гарчи кўзларимга боқмади дунё.
Гарчи кўксимдаги ғуссам минг йиллик,
Мудом мусичаман, гўдакман аммо.

Шу кўҳна борлиқнинг шом тарафидан
Турна келаяпти арғимчоқ торта.
Жим ўта олмасдинг ғирром устидан,
Дунёни бир ҳалол қил, Ота!

* * *

Мусаввирнинг кўзида йиғлаган ранг бўлайми?!
Ҳилолнинг юзидаги ўйнаган жанг бўлайми?
Юрагини саратон ёрган харсанг бўлайми?
Дунё, соқов бағрингда битмас яранг бўлайми?

Дарё оқиб ўтмоқда товонида тош судраб,
Йўллар ҳориб келмоқда елкасида бош судраб.
Қимирлолмай турибман, шамолларда жон идраб
Дунё, сўзга сиғмаган кую ноланг бўлайми?

Олтинини кўрган қўл бозорни алдайди,
Эътиқоди яримта мозорини алдайди.
Ёнишни билмаган ул озорини алдайди,
Дунё, қошим оралаб ёзган чоранг бўлайми?

Мен қанотсиз учаман, номсиз йўлнинг отиман,
Кечаларнинг рангиман, ёмғирларнинг бодиман.
“Оч экану тўқ экан” – шу эртакнинг мардиман,
Дунё, мурод бермаган етим боланг бўлайми?

* * *

Кўрпасиман юлдузларнинг,
Мени дунё кечаяпти.
Тун адашган йўлда ҳорғин,
Ой жонимни ичаяпти.

Кўкка боққан боғлар бўйлаб
Чизилганда кузнинг расми.
Тўлолмаган рангни ўйлаб,
Ой заминга тўкилмасин!?

Тоғ томонга кетган шамол
Айланади булутларга.
Менинг умрим ипак рўмол
Осилгани қандай дорга.

Бошимдаги ҳар кун тўйдай
Сочимгача оҳанг, ёниш.

Ўлмайсанми олов куйдан,
Уйғонмаган, эй Алпомиш.

Умр шундай телба қўшиқ,
Замин ҳар кун тораяди.
Англаганим – икки эшик,
Суякларим қораяди.

ТЎРТ ТОМОН

Мен айтиб бераман кўзингга қараб
Нималар йўқлигин кафтинг ичида.
Кунларни ёндирган соғинч оралаб,
Умримни ўлчадим бахт қаричида.

На менга, на сенга эшдур бу дунё,
Жонимни самандар ўтларга солдим.
Дунёга тўзимлар берсин Худоё,
Энг катта телбага айланиб қолдим.

Энди бир лаҳзамда тўртта фасл бор,
Энди елкамдадир еттита осмон.
Энди қўшиғимга бор оҳанглар тор,
Энди кўзларимда гулласин армон.

Борлиқнинг кулгуси етмиш хил рангда,
Дилдаги ҳаловат қушлардай дайди.
Ҳеч ким ютолмайди туйғусиз жангда
Гарчи гуноҳ пайти, гарчи ранж пайти.

Жисмдан соялар тушмаган ерман,
Тўрт томон ҳам бир хил – айтилган йўлдир.
Фақат сукунатдан туғилган шеърман,
Руҳим, вужудимга ўзимни тўлдир.

Баҳор, остонангга “кузсан” деб ёздим,
Тақдир – бу сўнгига етмаган фармон.
Гарчи бор жанглардан ақлдан оздим,
Ўзимга айлансин ТЎРТ ТОМОН.

Сўнггги илинж

ҲИКОЯ

Муаллиф ҳақида:
Бахтиёр НУРИДДИН — 1972 йил Жалақудуқ туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.
Анча йиллардан буён Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида фаолият юритади. 2016 йилда “Шарқ” нашриётида “Шудринг гуллари” номли илк ҳикоялар тўплами нашр қилинган. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чиқарилган “Онажон Каъбам ўзинг” (2016 йил), “Муҳаббатнинг мангу эртаги” (2017 йил) каби ҳикоялар тўпламларида ижодидан намуналар киритилган.

Бахтиёр НУРИДДИН

Бу қандай гап бўлди, дўстим Олтинбой?! Мен сени ўзимга яқин олиб доим ёрдам сўрасам-у, ҳар гал бир оғизгина гапингниям аяйсан-а?! Бу сафар ундай қилма! Унақада дардимни кимга айтай?.. Менга қолса бу ерларга ўлақолсамам оёқ босмасдим. Мажбурлаб, унинг устига ҳаммаёғимни шу савил чилвир ўлгур билан чирмаб судраб келишди. Ўзиям лофмас-ку, нақ девдай келадиган икки барзанги ярим кун олишиб аранг эплашди-да. Бунақанги қаттиқ қаршилик кўрсатишимни ҳеч ким кутмаган чоғи, аввалига шундоққина болаларча хўрозқанд билан алдаб, қўлимдан етаклаб кетишмоқчи бўлишди. Қарашса, анойимасман. Кучлари зўрға етди баччағарларни. Ўзимдан-ўзим фахрланиб кетдим – тарбиялаб, катта қилган раҳматли отамга ташаккур девордим ўша чоқ. Агар шу касбга қизиқишим бўлмаганда эди, аниқ дунё полвонлари орасида энг машҳури бўлардим. Фақат кулма Олтинбой! Гапим рост.

Лекин Бош муҳаррир нега менга ишонч билдириб шу ишни топшира қолди, ҳалигача тушунолмайман. Бошқа одам қуриб кетганмиди?! Ўзи-ку майли. Фикрлаш у ёқда турсин, қоғоз қоралашдан бошқасига қурби етмайди. Лекин шунча тажрибали, ўзи тенгқур устоз ёзгичлар кўп эди-ку! Тинчгина чоғиримни судраб, кунимни кўриб юрувдим-да. Олдига чақириб “Қаламинг ўткирлашиб қолди шогирд. Энди жиддий мавзуларга ҳам қўл уриш вақти келди. Қачонгача майда-чуйдаларга ўралашиб юрасан”, демаганида бу машмашалар бошимда йўқ эди, дўстим Олтинбой.

– Нима қилай? – дебман менам ҳар ишни дўндирворадигандай гердайиб. Ёшман. Унинг устига қизиққонмасманми.

– Сенга алоҳида топшириқ бор. Бугундан катта мавзу устида ишлайсан. Яъни мамлакатда бўлаётган ўзгаришларга улкан ҳисса қўшаётган, умрини ватанимиз равнақи йўлига тиккан, туғилган юрти, халқи учун жонини аямайдиган, қисқаси ана шунақа фидойи касб эгалари ҳақида бадиий образ яратасан. Қалам ҳақиям шунга яраша – филдек!.. Худо ярлақаб омадинг чопиб қолса, бутун мамлакатга номинг чиқади. Яна “каттакон” назарига тушиб қолиш эҳтимолинг ҳам йўқ эмас. Унда нақ кўксинг тўрида бирон нишонни ўзинг тасаввур қилавер!

Ҳа-а! Ё бирон орден тақасан ёки нақ зарба ейсан, дегандек бўлди ўзиям. Очиғини айтсам, бошлиқнинг ўзи ҳам такаббур, ўта айёр одам-да билсанг. Агар айтганлари рост бўлса, ўзидан ошармиди шунча обрў-эътибор, мукофот деганлари.

Алал-оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмай барибир кўндим. Мен учун топшириқнинг охири муҳим эди. Рўзғордаги камчиликларни ёпишга чол ваъда қилган “фил”дек маблағ ўта зарур бўп турганди-да. Қолаверса, хотинимнинг “у кам-бу кам” сингари минғир-минғирларидан ҳам қулоғим анча пайт тинарди. Қолганини уддаласа бўлади. Яшириб нима қилдим, яна каттакон билан шахсан учрашиб, ҳаётдаги муаммоларим, яшаш қийинчиликларим ҳақида қулоғига шипшиб қўйиш ниятим ҳам бор эди.

Хулласикалом ё донғим, ё чангим чиқар. Бугуннинг қаҳрамоними, марҳамат! Ёрворамиз-ку ёзиб!..

Лекин бу осон иш эмаслигини жуда яхши тушунардим. Бўнакни олиб чўнтакка уришга урибман-ку, бошликдан қаҳрамонни мамлакатнинг қайси бурчагидан излашни сўрамабман. Ҳартугул, катталарнинг ақл доираси сиғими кенгроқ бўларди. На илож. Қидирамиз энди. Дунё кенг. Мамлакат сарҳадлариям чексиз.

* * *

Ўҳ-ҳў, чегарагача йўлда қанча балогардон қаҳрамон учрамайди дейсан, дўстгинам Олтинбой! Йўл қуюм шиғиллаб, пишиб ётибди-ку улар! Дарахтни тепсанг, бас. Ерга ёғилади.

Қисқаси ўзимча шаҳарнинг манаман деган идора ва давлат муассасаларига бориш бўйича тахминий йўл харитаси тузиб, ихчамгина режа қилволдим. Биринчи танловим ўз-ўзидан маълум – тиббий маскан эди. Бунинг устига бошим ҳам оз-моз оғриб турганди. Кечаги “қиттай-қиттай”нинг асоратида, деб ишшайма биродар. Касб касаллиги бу. Ўзинг яхши тушунасан. Нақ каллам ёрилаёзаётганди. Яшириб нима қилдим. Кичиккина мақсадим аралашмаси орасида дардимга даво топиш истаги ҳам барқ уриб, бўй кўрсатиб турарди. Шифо илинжида пойтахтнинг энг катта шифохонасига равона бўлдим. Бориб тўғри раҳбарнинг ўзига учрашдим.

Касбимни эшитган заҳоти бош шифокор аввал бироз довдираб, қовоқ-тумшуқ қилволди. (Журналистлардан бунча чўчишмаса булар!) Бунисиям ҳамма қаҳрамонларим қатори гаплашяпти-ю чеҳраси ёришмайди. Кейин мақсадим яхшилигини билгач, мақтанишдан тўхтатиб бўлмади бу Худо бехабарни. Жағи ланг очилди-қолди. Қани бироз жим турса-ю, фикрларимни жамлаб олсам. Каллам ёрилиб кетай деяпти-ю шифохона ҳудудидаги дарахтларни кестириб, саранжомлаганигача вайсади ўзиям. Аммо сотиб гумдон қилган пуллари ҳақида лом-мим демади. Буларнинг ҳаммаси шу-ку! Очиғи, жиғилдонидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган, бунақанги юз хил турланувчи нусхани ўқувчиларга қаҳрамон қилиб кўрсатишни эп билмадим. Роса сайратиб, жуфтакни урдим. Унга қулоқ соладиган бўлсам ўзидан бошқа яхши одам йўқ эди дунёда. Менга эса оддий одамлар керак. Киши билмас даволовчи шифокор қабулига ёзила қолдим.

Шу десанг иссиқнинг кунида навбатда туришнинг ўзи жасорат. Бу фикрга салкам икки соатлар чамаси терлаб-пишиб, ёқаларим бўйнимга чиппа ёпишгандан кейин келдим, ҳойнаҳой. Бироз эриш туюлса-да, худди шу гап ўзимгаям ёқиб қолди. Шифокорнинг муздек хонасига кириб, терларим қотгандан кейин эса фикримдан айнидим. Дим ҳаводан нохуш бўлиб, эсим оғишига сал қопти-я! Шифокор жуда мулойим, ўта меҳрибон одам экан. Тили ҳам ширин, бир сўз билан дардингни оларкан. Касалимниям аниқ топди. Сабабларини бирма-бир санаганда янаям ихлосим тушиб қолди. Бош оғриғим ҳам тарқади-қўйди. Шифокор дегани шундай бўлса-да. Ўз касбининг устаси. Тажрибали!.. Бунақасини ўзимизнинг юртдан бошқа яна қаердан топасан, дўстим Олтинбой?!

Бироқ... Ҳа-ҳа шу бироқ бўлмаганида қаҳрамоним нақ эди... Даво ёзиб беришини кутгандим, қўлимга бир манзил битилган ташриф қоғозини узатди. Ўта мулойимлик билан кечки пайт хусусий шифохонасига ўтишимни сўради. Ўзиям манзили кўрсатилган жой дунёнинг чеккасида экан-да. Амал-тақал сўраб-суриштириб, топиб бордим. Не кўз билан кўрайки мулойим шифокор қабулидаги беморларнинг бари ўша ерда – аввалгидек кетма-кет тизилишиб, тумонат ичида навбатда туришарди. Худди туш пайтидагидек яна кутдим. Аммо у жойдаги шароитлар бошқача эди. Кутувчилар учун чиройли ўриндиқлардан тортиб, салқин ичимлик сувларгача муҳайё қилинган экан. Ҳамшираларнинг ширинсуханлигини айтмайсанми?! Тилларидан бол томади. Уларнинг муомаласига анграйиб, йигирманчи бўлиб навбатга ёзилганимниям сезмабман. Буларнинг бариси учун олган бўнак пулимдан бир килограмм гўштнинг ҳақини тўладим. Ноилож навбатга турдим. Саломатлик – туман бойлик ахир.

* * *

Одам дегани бир жойда икки-уч соат ўтирса оёқлари тарашадек тортишиб, увишиб қоларкан, дўстим Олтинбой! Кута-кута чарчадим. Энди бош оғриғига оёқникиям қўшилиб, икковлашиб жигарни эзғилаша бошлашганди, бир пайт тили ширингина ҳамшира қиз навбатим келганини эълон қилиб қолди. Бу шифокор деганлари бемор деганни обдон касал қилволиб, кейин даволашаркан-да. Оёғимни судраб аранг кириб бордим. Кўришишга мажол йўқ эди. Шифокор

аҳволимга қараб сув тутди. Ичиб олганимдан сўнг, бироз ўзимга келгандай бўлдим. Кейин ўша мулойимлик билан қаерим безовта қилаётганини сўради. Имо билан бошимни кўрсатдим. У бир нималарни ёза бошлади. Кузатиб турдим. Бир лаҳзага бошини кўтармади. Анчадан кейин қўлимга бир уюм қоғоз тутқизди. Бири дорихонага, бири бошқа шифокорлар қабулига. Яна бири тиббий таҳлиллар учун. Хуллас, эртасигаям куним шу ерда ўтадиган бўлди. Каллайи саҳардан пешоб, нажас, қон таҳлилларини топширдим. Ҳаммасига яна бир-икки кило гўштнинг пули кетди. Кейин айтилганидек асаб касалликлари шифокорига учрашдим. У ҳам бошларимга қанақадир матоҳларини илиб текширган бўлди-да, хулосаларини ёзиб берди. Буларнинг барига яна бир кило гўштнинг пулини тўладим. Тиббий техник ускуналар кўригидан ўтишим зарур экан. Улар кўкрагим суратидан тортиб, ички аъзоларимни ҳаммасининг расмини чиқариб беришди. Текингамас, албатта. Буларни барчасига уч-тўрт кило гўштнинг пули кетаркан, холос. Мана сенга замонавий тиббиёт, дўстим Олтинбой. Муллажиринг бўлса, бас. Истаган нарсангни маҳайё қилишаркан. Бунақа ривожланишда эртага шифокорларнинг ҳам кераги бўлмай қолади-ёв. Темир одамларнинг ўзи даволайди касалниям. Ниҳоят, бари таҳлил натижаларини олиб, тушдан кейин қайта тўлов қилиб, мулойим шифокор олдига кирдим. У жами натижаларни кўриб, ҳаммаси жойидалигини айтди.

– Хавотирланишга ўрин йўқ. Бари асабдан. Жиддий хаста эмассиз. Бу ёғига доим назоратимизда бўласиз. Ҳозир дори ёзиб бераман, – деди хотиржамгина.

– Керакмас, – деб бақирворибман у мулойим дўхтирга қараб. Ахир ўзинг ўйлаб кўр! Қаҳрамон учун олган бўнагимнинг ярмини унинг мана шу бир оғизгина гапини эшитиш учун сарфлаб бўлгандим. Шу вазиятда яна нима дея олишим мумкин эди.

Ё Тангрим! Ўзинг сабр-у қаноат бер. Жаҳлимни тий, жиловла ва уни ёмонликлардан қайтар. Сендан ўтиниб сўрайман, шууримни шу ноинсоф шўртумшуқнинг хотираларидан тозалаб ташла. Бошқа бу мулойим супургига дучор қилмагин, деб илтижо қилганимни биламан, ўзимни идорада кўриб турибман-у. Ҳа-а, дўстим Олтинбой. Ҳаммаси англаганингдай юз берди. Жаҳл келса ақл қочаркан-да, биродар. Қачон ва қандай у ерга олиб келишганини эслолмайман ҳам. Айтганларимни бари тушдек, бир зумда содир бўлди-қўйди. Терговчиларга ҳарчанд тушунтиришга ҳаракат қилмай, эшитишни ҳам исташмади. Қилган ишимни безорилик деб малакалашибди. Баҳонада уларни ҳам қаҳрамонлик режамдан ўчириб ташладим. Бирдан-бир қўлимдан келадигани, ваколатим доирасидаги иш мана шу эди, холос. Шу имкониятимдан фойдаланмаслик ҳам кўрнамакликнинг ўзи эди асли. Бу ходимлар бунчалар галварс ва уқувсиз бўлмаса. Маҳкамада у янаям мулойимлашганини кўрсанг. Жабрдийдага айланди-қолди. Ҳаётда яшаш учун одам дегани ҳар кўйга тушаркан-да. Биронта фикрим инобатга олинмади. Ҳатто қулоқ солишмадиям. Суддаги тутуруқсиз саволларини эшитиб кўр!

– Нимага шифохонага бостириб кирдингиз?

– Нима?!

– Шифокорнинг хонасига нима учун бостириб кирдингиз, деб сўраяпман?

– Қанақасига бостириб. Унинг олдига икки қайта тўлов тўлаб кирдим. Ташриф қоғозини бериб, шифохонасига ўтишимни ўзи илтимос қилди.

– Жабрланувчи билан аввалдан танишмисизлар?

– Қаёқдан билай уни. Тушунмадингизми дейман. Мен “қаҳрамон” излаб давлат шифохонасига боргандим. Тасодифан шу муттаҳамга дуч келдим. У мени ўзининг хусусий корхонасига юборди. Ана ўша ерда ишхонадан олган бўнак пулимнинг ярмини шилволишди.

– У ер корхонамас, шифохона! – қўшилди ўша мулойим нусха.

– Шифохонада одамларни даволайди. Сиз бўлса у ерга ҳаммани обориб ё касал қиласиз, ё жинни! – бўш келмадим менам.

– Бу ҳақорат. Мижозим фаолиятини махсус рухсатнома билан юритади. Тажрибали шифокор, – қўшилди ҳимоячи.

– Тажрибали фирибгар.

Бу гапимни ҳеч кимга эшиттирмай, пичирлаб гапирдим, Олтинбой! Нимага десанг ҳамма далиллар ўзимга қарши ишларкан. Қонун фақатгина у тарафда эди. Ҳафа бўлиб тургандим, маҳкама раисининг овози жаранглади. Қулоқларим остида худди онамнинг меҳрибон алласи айтилгандай қувониб кетдим. Адолатни қараки, барибир сўнгсўзни менга беришаркан. Кўп гапларни гапириб ташламоқчийдим, ўйлаб қолдим. Кимга керак булар? “Ҳой инсоф бергурлар олдиндан қанақадир бўлар-бўлмас режалар, дастурлар тузиб, ўзи шундай ҳам оғир ҳаётимизни қийинлаштирманглар”, деганимда, нима ўзгарарди? Ўзимга жабр қилганим қолади-ку! Индамай туриб, чуқур уф тортдим-у, қайтиб жойимга ўтирдим. Ҳаммагаям шу маъқул келди. Яшаш қанчалар оғир бўп кетипти-я, дўстим Олтинбой! Хуллас, айбсиз айбдорга айландим-қолдим. Бўнак пуллари эса, давлатимиз қонун-қоидаларига кўра ҳавога учди-кетди. Тўғрироғи, қолганини жаримага тўладим. Яна қолган ярим ёртисига бозордан пича кортошка билан у-бу кўкатлар сотиб олдим, холос. Алам қилгани бир шапалоқ этга арзимади. Буни кўриб хотинимнинг яна дийдиёси бошланди.

Ўйлаб-ўйлаб шуларнинг орасида ҳокисор бўлиб яшаётган ўзимдан бошқа ҳеч кимни қаҳрамонликка номзод, деб билмадим. Бошлиққа шу ёзганларим маъқул келмаган чоғи мажбуран касалхонага – руҳий кўрикка жўнатворди. Уни ҳам тушунаман. Ўз хоҳишига қараб қилмаган бу ишни. Кимларнингдир тазйиқларидан хавотир олган бўлиши ҳам мумкин. Мана энди тиббий хулосаларимни кутиб ўтирибман. Қалам ҳақиям расво бўлди. Шу ишни, деб қарзгаям ботдим. Аммо ҳар тугул бироз юпанчим бор. Агар таҳлилларим ижобий чиқиб, бу ерда олиб қолишсаям, шов-шув бўлиб, каттаконлар қулоғига етади, деган умиддаман. Ана шунда бир бечора фуқаросига раҳми келиб, бу ердан қутулишимга ёрдами тегар ҳеч қурса. Шу хаёлда ҳар куни шифтга термулиб, нажот кутиб ётибман, қадрдон дўстгинам. Ахир биз феодал жамиятда яшамаяпмиз-ку, тўғрими?

ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ ЁШУЛЛИ ОҒАСИ

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним халқимизнинг фахри. Шу боис, унинг номи ҳамиша эъзозу ардоқда. Бироқ камсонли тарихчи ва адабиётшуносларгина шоиранинг акаси Нормат Исроиловнинг қатағон даври қурбони бўлганини билишади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу мақолада 1934-37 йилларда Хоразм округига раҳбарлик қилган ва "Катта террор" даврида "халқ душмани" дея ноҳақдан айбланган ана шу инсоннинг ҳаёти ҳақида сўз юритилади.

1934-37 йилларда Хоразм округи партия комитетининг биринчи котиби бўлган Нормат Исроилов тарихнинг энг қийин даврларида округга фидокорона раҳбарлик қилганига қарамай, ўша замонда авж олган қатағон сиёсати даврида "халқ душмани" дея айбланган.

Қадимий Тошкентнинг Дегрез, Ўқчи маҳаллаларида яшаган Исроил дегрез ва турмуш ўртоғи Хадича аянинг Исмоил, Қодир, Нормат, Аҳмад исмли ўғиллари ва иккита қизи бўлган. Академик Наим Каримовнинг "Зулфия" номли монографиясида ёзилишича, "Исмоил Исроилов 1920 йилларда тузилган ёшлар ташкилотида фаолият кўрсатган, кейинроқ эса Москвада таълим олган. Ўзбекистонга қайтгач, масъул вазифаларда хизмат қилган. Шоиранинг иккинчи акаси Қодир Исмоилов Каттақўрғон шаҳридаги ёшлар ташкилотининг раҳбари бўлган. Нафақага чиққунига қадар Тошкентдаги заводларнинг бирида, қуювчилик цехида хизмат қилган. Учинчи акасининг исми шарифи Нормат Исроилов Хоразм вилоятида раҳбарлик вазифасида ишлаган. Тўртинчи акаси Аҳмад Исроилов. У ҳам Норматнинг изидан кетиб Москвада ўқиган ва партия идораларида хизмат қилган. (Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2015 йил, 15-16-бетлар).

1934-37-йилларда Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби вазифасида ишлаган Нормат Исроилов 1904 йилда Тошкентда туғилганди. Москвадаги шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетини тугатган ва ўз даврининг жўшқин ёшларидан саналган Нормат Исроилов меҳнат фаолияти давомида турли раҳбарлик вазифаларида ишлаган.

1931 йилда эса Жалалқудуқ район партия комитетининг биринчи котиблигидан Ўзкомпартия марказқўми тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири бўлиб ишга ўтади. Нормат Исроилов Акмал Икромов билан ёшликдан таниш бўлиб, улар бир маҳаллада истиқомат қилишган.

> Тўрт ака-укалар ичида Нормат Исроилов табиатан ижод ва илмга ҳавасманд киши бўлиб, Зулфиянинг ўзи акалари ҳақида адабиётшунос Адҳам Акбаровга берган суҳбатида: "мен ҳаётимда рўй берган кўп воқеалар учун акаларим олдида қарздорман. Улар менинг катта ёшдаги ўртоқларим, дилкаш дўстларим бўлиб, дилимдаги энг эзгу ўйларни уларга айтардим. Нормат акамнинг дастлабки шеърларимни бошқаларга қандай қувонч билан кўрсатгани асло ёдимдан чиқмайди", дея фахрланиб айтган экан.

Ҳамиша ишчанлик билан ғайрату шижоат ила фаолият кўрсатадиган Нормат Исроилов орадан вақт ўтиб шоира синглисининг тўнғич фарзанди (1937 йил 19 январда) туғилганида ҳам Хоразмда бўлса-да, ойиси Хадича аяни, Зулфияни телеграмма ёзиб қутлаган, Тошкентга йиғилишга келганидаям бир-зум Ҳулкарни кўриб севинганича унга совғалар берган экан.

Зулфия ая журналист Ислом Усмонов билан қилган суҳбатида *"акамни биз жуда кам кўрардик. Унинг бемалол юргани, биров билан бамайлихотир чой ичиб, суҳбатлашганини асло эслай олмайман. Гоҳ Москва, гоҳ Андижон дейсизми, хуллас, уни партия қаерга йўллаган бўлса, шу ерда бўларди. Хоразмда ишлаган кезлари кечагидек ёдимда. У ҳар гал тиним нималигини билмасди. Бутун вужуди билан ишга киришганди. Чарчашни бутунлай унутганди. Шундай беҳаловат бир шароитда ягона фарзандидан ҳам айрилди. У эса бутун дардаламини меҳнатдан олди. Ҳар қадамда ўзини юртдошларига керак, деб ўйларди..."*, дея хотирлаган экан.

Шу боисдан шоира кейинчалик ёзган шеърларида:

...Ака, кўзингизда оташ бор эди,
Ака, жонингизда қуёш бор эди,
Султонликка лойиқ келбат, лаёқат,
Сардорники янглиғ бардош бор эди...

деб ёзган эди.

Маълумки, Нормат Исроиловнинг синглиси Зулфияхоним ўз даврининг машҳур шоираси бўлишдан ташқари, турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжон ҳам таниқли ижодкорлардан бўлган. Шу боис Хоразм ўлкаси раҳбари сифатида Нормат Исроилов воҳага келган ижодкорларни ўзининг яқин биродарларидай кутиб олади.

Ана шундай ташриф ва адабиёт байрамларидан бири 1935 йилнинг апрель ойида ўша даврнинг энг машҳур шоирларидан Усмон Носир ва Абдулҳамид Мажидий, Ҳасан Пўлатлар воҳага келиши билан боғлиқ. Улар билан биргаликда Тошкентдан келган театр актёрларидан Тамарахоним, Зуҳур Қобулов, Охунжон қизиқ ва Пўлатжон Раҳимовлардан иборат санъат аҳли ҳам бор эди. Адабиёт ва санъат байрами ўтказиладиган Хоразм аҳли эса Нормат Исроилов ва Назирқул Ҳасановлар бошчилигида уларни севинч билан кутиб олди. Чунки, санъаткорлар ичида Тамарахоним, ижодкорлар орасида эса Усмон Носир ўз даврининг энг машҳур инсонларидан эди. Бу пайтда эндигина 31 ёшга тўлган Усмон Носир ўзининг муҳаббат мавзусидаги лирик шеърлари билан халқ, айниқса, ёшлар орасида кенг шуҳрат қозонганди.

Шу тариқа адабиёт ва санъат аҳлидан иборат ижодий гуруҳ 19 апрелгача Хоразм театрида, "Инқилоб қуёши" таҳририятида, педагогика институтида ва бошқа маданий муассасаларда бўлиб учрашувлар ўтказишади. 19 апрель куни бўлса гуруҳ Хивага — Ичан қаъла музей қўриқхонасида бўлишади.

20 апрелда эса шаҳар клубида хивалик шоир Саид Назарнинг ижодий кечаси ўтказилади. Кечада Ҳасан Пўлат ва Усмон Носирлар ёш шоирнинг ижодидаги муваффақият ва камчиликлар тўғрисидаги фикрларини билдиришади. Кечанинг иккинчи қисмида Абдулҳамид Мажидий, Усмон Носир, Ҳасан Пўлат, Матёқуб Абдуллаев, Лочинхон, Саид Назарлар шеърхонликни давом эттиришади. Тадбир сўнггида бўлса тошкентлик ва округ театри актёрлари иштирокидаги концерт қўйиб берилади.

Эртаси куни Хивадаги "Қизил аскар" колхозида адабиёт ва санъат байрами давом эттирилади. Усмон Носирдек жўшқин ва эҳтиросли шоир ана шу кечанинг ўзида "Хоразм қизига" дея номланган шеърини ёзиб, қишлоқ аҳлига ўқиб беради.

Ижодий гуруҳ шундай ҳолда учрашувлар ўтказаётган кунларда Тошкентдан Қурбон Берегин бошчилигидаги "Қизил Ўзбекистон" ва "Правда востока" газеталари ходимлари ҳам келишиб, адабиёт ва санъат кечалари деярли ҳар бир туманда давом этади. Округ газетасининг май сонида Усмон Носир "Яна бир катта вазифа" номли мақола ёзиб ижодкорларни давр руҳи асосида ижод қилишга даъват этган.

Ўша даврда 5 май Матбуот куни сифатида нишонланиб, бу сана ва "Инқилоб қуёши" нинг 15 йиллиги Урганчда катта байрам сифатида нишонланади. Ушбу байрамдан ва Хоразм таассуротларидан руҳланган ҳолда Усмон Носир воҳа ҳаётидан "Ойимжон" номли достон ёзади. Достоннинг биринчи бўлими "Инқилоб қуёши"нинг май сонларида чоп этила бошланди.

Шу тариқа бир ой давом этган турли учрашувлар Усмон Носир ҳаёти ва ижодида катта янгилик бўлди.

Ўтказилган бундай учрашувлар Нормат Исроиловнинг ташкилотчилигида ўтказилади.

Бундай тадбир ва ташкилотчилик ишлари воҳада айнан шу даврда кўплаб ташкил қилинган.

— Нормат Исроилов новча ва қотма бўлиб, округ раҳбарлиги пайтида солдатча бош кийим кийиб юрарди, — дея эслаганди кекса журналист Маткарим Худойберганов, — у киши ҳамиша "Инқилоб қуёши"ни ва районларда ташкил этилган газеталарни ўқиб, унда кўтарилган муаммоларни округ бюросида кўриб чиқишни, танқид қилинган раҳбарни, шу соҳани доимий назоратига олиб, муаммоларнинг ечимини изларди.

Ўзбек археологиясининг забардаст вакилларидан Яҳё Ғуломов археологияда маълум бир тажриба, кўникма орттиргач, жонкуяр дўсти Турди Мирғиёсов ҳамда касбдоши Рашид Набиевлар билан 1936 йилда Хоразмда ўзининг мустақил тадқиқотларини бошлаб юборади. 1937 йилдан бошлаб, улар сафига археолог А.Тереножкин ҳамда архитектор Б.Засипкинлар қўшилди. Айнан Яҳё Ғуломов ва уларнинг археолог сафдошлари воҳага келишганида округ раҳбарлари сифатида Нормат Исроилов ва Назирқул Ҳасановлар уларни кутиб олиб, тадқиқотлар ўтказиши, фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришади.

Тарихдан маълумки, 1937 йилда Москвада ўзбек санъати ва адабиёти кунлари декадаси ўтказилиши муносабати билан унга тайёргарлик эрта бошланиб кетади. 1937 йилнинг баҳорида Москвада ўтказилган декадада Хоразмдан Мадраҳим Шерозий, Раҳим Оллаберганов (Раҳим масхарабоз), Матёқуб Отажонов, Худак ота (буломончи Худойберган ота) каби санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этиб қайтишади. Табиики, улар эришган муваффақиятларда округ раҳбарлари сифатида Нормат Исроилов ва Назирқул Ҳасановларнинг ўрни катта эди.

Зулфия ая шогирди Муҳтарама Улуғова билан қилган суҳбатларида акасини хотирлаб, — Хоразмда ишлаган кезлари кечагидек ёдимда. У ҳар гал тиним нималигини билмасди. У киши Тошкентга йиғилишларга келганида бирровгина уйга келардию яна Хоразмга равона бўларди. Ҳамон афсусдаман, акам бизнинг Ҳамид Олимжон билан бўлажак никоҳ тўйимизда қатнаша олмаганлар, — дейди.

Аммо ана шундай ўз даврининг шижоаткор раҳбари Нормат Исроилов Хоразм округида ишларни шу тариқа муваффақиятли олиб бораётган 1937 йилда қатағон сиёсати бошланиб кетди.

— У киши Ўзкомпартиянинг 1937 йилдаги пленумидан кейин таътилга чиқиб дам олиш учун Тошкентдан Қримга юборилган ва ўша ерда ҳибсга олинган. Қримдан эса Тошкентга келтирилиб тергов ишлари бошлаб юборилган. Биз унинг ҳибсга олинганидан хабарсиз Қримда дам олаётибди деб юрардик. Фақат кейинроқ қамалганини эшитиб суриштирдик. Шундай кезларда акамдан мактуб олдик. "Мен шу ердаман, аҳволим бир нави. Ўзларинг яхшимисизлар. Синглимнинг оиласи омонми? Менга иссиқ кийим киритиб юборинглар", дейилганди хатда.

Шундан сўнг Зулфия акасининг илтимосига кўра бозорга тушиб, кийимлар харид қилади-да, уни бежирим жойлаб, онаси орқали қамоқхонага йўллайди. Акасидан олган жавоб унинг дилини хуфтон қилади. "Ҳали ҳам мени дам олишда деб ўйлайсизларми? Бу ерда аҳвол оғир. Мен сизлардан этик ва иссиқ кийим бош сўраган эдим".

> Шундан сўнг ҳам бир неча вақт Нормат Исроилов билан алоқа қилиб турилди. Аммо бир йил ўтгач, олиб борган нарсани қабул қилишмай она қўлига аллақандай қоғоз тутқазишди. Яъни, ИИХК ўзларининг қилмишларини ниқоблаш мақсадида, Нормат Исроилов хат ёзиш ҳуқуқи ман этилган ҳолда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва ИИХКнинг узоқ лагерларидан бирига жўнатилган эмиш... Аслида эса 1938 йил 8 октябрдаги олий ҳарбий суд ҳайъати қарорига кўра отишга ҳукм қилинганди...

"Хотира синиқлари"да Она образи ҳам бўлиб, унда Хадича аянинг ўғли Нормат Исроилов тақдиридан куюниб дарду ҳасрат тўккани ҳам битилганди...

Академик Наим Каримов шундай ёзади: *"бу сатрларда мустабид шўро давлатининг ўз халқи бошига туширган бало-қазолари бир оила мисолида шундай ҳаққоний ва таъсирчан очилганки, гўё шоира даврнинг ана шу мудҳиш манзарасини сўз билан эмас, балки кинокамера ёрдамида кўрсатаётгандек бўлади. Сўз достоннинг қатағон даври тасвирларига бағишланган лавҳаларида ёркин визуал образларга айлангандек бўлади".*

1957 йилнинг 28 февралида собиқ иттифоқ олий суди ҳарбий ҳайъати ўзининг 1938 йил 8 октябрда чиқарган ҳукмини бекор қилиб, Нормат Исроиловни ўлимидан сўнг оқлайди.

Умид БЕКМУҲАММАД.

ҚАДРИЯТ

Равшан тоға (маҳаллада ҳамма у кишини тоға дейди) уста боғбон. Ҳовлисини мевали дарахтлар билан тўлдириб ташлаган. Бу ҳам етмагандек, дарвозасининг икки тарафига ҳам бошқаларга ўхшаб гул, арча эмас, мевали дарахтлар эккан.

Олмалар юзидаги шабнамлар

Равшан тоға неваралари олиб, ташқарига чиқди. Маҳалланинг болалари кўчада ўйнашаётган экан. Набиралар уларга қўшилди. Дўкондан рўзғорга керакли маҳсулотлар харид қилиб қайтаётган Собир ака тенгқурини кўриб, унинг ёнига келди. Равшан тоғанинг ишкоми тагидаги ўриндиққа ўтириб, гурунглаша бошлашди. Шу пайт рўпарадаги қўшнининг дарвозаси очилиб бири баланд, бири паст бўлиб учта болакай чиқиб келди. Улар аввал болалар томон югуриб келишди. Кейин бир-бирларини қўлидан маҳкам ушлаб, четда томоша қилиб туришди.

— Камолиддиннинг набиралари келишибди-да, — деди Равшан тоға. Кейин ўрнидан турди. — Қани азаматлар, бир сўрашиб олайлик-чи, — у болаларнинг новчароғига қўлини узатди. Болалар аввалига чўчиб орқага тисланишди. Кейин нотаниш амакининг юзидаги самимийликни кўриб, жажжи қўлчаларини чўзишди.

— Сиз Жамолиддиннинг ўғлимисиз, той бола, — сўради у кенжатой болакайнинг бошини силаб. Болалар бараварига бош силкишди. — Собирвой, вақтни ўтганини қаранг, бир пасда Жамолиддиннинг болалари ҳам кўзга кўриниб қолибди. Боболари буларни кўрганда қандай суйинарди, жуда болажон, эди ўртоғим раҳматлик, — деди Равшан тоға. — Олма ейсизларми, териб берайми?

— Овора бўлма, оғайни. Булар бировнинг қўлидан нарса олмайди. Шаҳарлик бўлиб кетишган, — деди Собир ака.

— Шаҳарда яшаётган бўлса ҳам ўзимизнинг томир-ку. Ма болам, — Равшан тоға ўзига яқин шохдаги олмалардан узиб, болаларнинг каттасига узатди.

— Йўқ, керакмас қорнимиз тўқ, — деди бола қўли билан рад ишорасини қилиб. Ўртанчаси ҳам дарров қўлларини орқасига беркитди.

— Олавер болам, биз бегона эмасмиз. Отанг ҳам шу олмаларни еб катта бўлган, ишонмасанг бувингдан сўра, — дея Равшан тоға қўярда-қўймай, болаларнинг қўлига олма тутқазди. Шу чоқ Камолиддин амакининг дарвозаси қия очилиб, меҳмон келиннинг боши кўринди.

— Шерзод, Шаҳзод, Дилшод, кўчада нима қиляпсанлар? Тез уйга киринглар! Отангиз келяпти, уйга кетамиз, — деди. Аммо қўшни амакиларга эътибор ҳам бермади. Болакайлар олмаларни бағрига босганча орқасига қарамай югуришди.

Кўп ўтмай ичкаридан келиннинг шанғиллаган овози эшитилди.

— Сенларга неча марта айтганман, бегоналар нарса берса олманглар, деб. Ҳар куни олиб келади-ку отанглар шу савилни, бор қаердан олган бўлсанг, ўша жойга ташлаб кел...

— Сенга айтдим-ку, Равшан, биламан-да, бу келинни қандайлигини, — деди Собир ака, сўнг: "Атаганингни бизга чиқариб юбор. Дуо қилиб еяверамиз", деб қўйди ҳовлисидаги ерини ағдариб ҳоригандек, оғирлашиб қолган Равшан тоғага қараб...

Эрталаб кўчамизни супураётиб, Равшан тоғанинг дарвозаси тагидаги ўриндиққа кўзим тушди. Унда кечаги учта олма бир-бирига тиралиб, мунғайибгина турарди. Шу пайт тунда ёқутранг олмалар юзига қўнган шабнамлар енгил нур таратди. Назаримда, улар шабнам эмас, топталган қадрият бағридан силқиб чиққан кўзёшлар эди...

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

ТАФАККУР

Яхшилар билан дўстлаш

Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиг жоиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас.

Алишер НАВОИЙ

Оқил дўсти бўлган кишининг кўзгуга эҳтиёжи йўқ.

Жалолиддин РУМИЙ

Ҳакимлар айтади: "Синалмаган дўстга ва синалган душманга ишонмоқ — катта хато".

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Кимки кеккаяр манманлик билан,
Дўстлари охири бўлишар душман.

Фаридиддин АТТОР

Инсоннинг ўзига берган энг яхши совғаси — бир дўстдир.

МАХТУМҚУЛИ

Суҳбатга арзимас ҳар бир қора дил,
Суҳбат учун яхши дўстлар пайдо қил!

Муҳаммад ҲУСАЙН

Ҳамма вақт яхшилар билан дўстлаш.

Абу Мансур МОТУРИДИЙ

Hurriyat Mustaqil gazeta
Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.
Адади: 5002
Буюртма — Г-350
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 00¹⁵
Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70
ISSN 2181-0680
Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Ю.Жўраев. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.
"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.